

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ РАЙСЛИГИДА 30 ИЮНЬ КУНИ ОДИЛ СУДЛОВНИ ТАЪМИНЛАШ ВА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БОРАСИДАГИ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИГА БАҒИШЛАНГАН ВИДЕОСЕЛЕКТОР ЙИГИЛИШИ ЎТКАЗИЛДИ.



ҲУҚУҚ

1997-йил 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq.uz


2020-Ҳ. 2-ИҲУЛ, №26 (1223)



ПОЕЗД ТАГИДА ҚОЛГАН «НАУШНИК»

ТЕМИРЙЎЛЛАРДА
БЕШ ОЙДА 25 ТА БАХТСИЗ
ҲОДИСА СОДИР БЎЛГАН.
УЛАРНИНГ АКСАРИЯТИ
ТЕЛЕФОН ҚУЛОҚЧИНИ
БИЛАН БОҒЛИҚ.

5-БЕТ



**Кадастр бўлими
мутахассиси нотураар
жойни турар жойга
айлантириш учун 400
«кўки»да чўтал сўради.**

8-бет



**Қайнона-келин ўртасидаги
адоват ахийри хунук
натijasини кўрсатди.
Қайнона қўлига пичоқ
олди...**

10-бет



**Почта жўнатмалари
тўловидан тушган
300 млн. сўмдан ортиқ
маблағ ҳазм қилиб
юборилди.**

11-бет



2020 йил 1 июль
соат 17:00 ҳолатига



Касалланганлар
8671 нафар



Соғайганлар
5737 нафар



Вафот этганлар
26 нафар



BOSH PROKURATURADA

ДОЛЗАРЪ МАВЗУ МУҲОКАМАСИ

29 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси мажлиси ўтказилди.

Тадбирда сенаторлар, Бош прокуратура ҳамда онлайн тарзда Олий ва ўрта махсус таълим, Қурилиш, Соғлиқни сақлаш вазирликлари вакиллари иштирок этишди.

Мажлисида таълим, қурилиш ва соғлиқни сақлаш соҳаларида коррупцияга қарши курашиш бўйича Бош прокурор ўринбосари Э.Юлдашевнинг ахбороти эшитилди.

Қайд этилишича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижроси юзасидан 2019 йил август ойидан бошлаб олий таълим ва капитал қурилиш соҳаларида «коррупциясиз соҳа» лойиҳасини амалга ошириш борасида Бош прокуратура томонидан мутахассислар ва экспертларни жалб қилган ҳолда тасдиқланган йўл харитаси бўйича қатор ишлар амалга оширилган.

Жумладан, олий таълим муассасаларида жамоатчилик кенгашлири тузилиб, коррупция муҳитини келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш учун аноним сўровлар ўтказиш йўлга қўйил-

ди. Муассаса раҳбарияти ёки вазирликка электрон шаклда мурожаат қилиш (шу жумладан аноним тарзда) имконияти яратилди.

Капитал қурилиш соҳасида эса «Қурилишдаги назорат» кўйи тизими Тошкент шаҳрида синов тарикасида ишга туширилиб, назорат жараёнида электрон ҳужжат алмашинувини босқич-ма-босқич жорий этиш белгиланди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида миқозларни овқат билан таъминлаш, кир ювиш, бино ва иншоотларни сақлаб туриш, шунингдек, уларнинг муҳандислик-техник тизимларига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ҳамда тиббий буюмларни зарарсизлантириш хизматлари аутсорсингга ўтказилди.

Шунингдек, тадбирда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш борасида янги электрон тизимни жорий этиш, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари имкониятларидан тўлиқ фойдаланиб, тарғибот-ташвиқот ишларини жаддалаштириш, коррупция иллатини батамом йўқотиш мақсадида ҳамжиҳатликда комплекс назорат чораларини кўриш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

TADBIR

ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР

Сирдарё вилояти прокуратурасида ички ишлар органларида қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, хизмат жараёнида ички ишлар ходимлари ножўя ҳаракат содир этишининг олдини олишга бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Йиғилишда ҳозирги кунда ички ишлар органлари жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида қилаётган қўлланма ишлар эътироф этилди. Шу билан бирга, сўнгги вақтларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шу жумладан, ички ишлар органлари ходимларининг фаолияти билан боғлиқ турли воқеалар интернет тармоқларида кенг муҳокамаларга сабаб бўлаётгани ҳам айтилди. Андижонда фуқаронинг ички ишлар ходимлари томонидан қалтақланиши ва касалхонада вафот этиши, бундан аввалроқ Қашқадарёда содир бўлган салбий ҳолатлар таҳлил қилиниб, келгусида Сирдарё вилоятида бундай нохуш ҳолатларга йўл қўймалик кераклиги таъкидланди.

Шунингдек, вилоят ички ишлар органлари тизимида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, суриштирув, тергов ва тезкор қидирувда қонун талабларига қатъий риоя этиш, жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибини сақлашда ички ишлар органлари ходимларининг ножўя ҳаракат содир этишининг олдини олиш юзасидан чоралар кўрилиши белгилаб олинди.

Бундан ташқари, йиғилишда вилоятдаги криминоген вазият таҳлил этилиб, профилактик тадбирларни кучайтириш, маҳаллий ҳокимликлар, жамоат ташкилотлари ва бошқа идоралар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари танқидий муҳокама қилинди.

Мансурхон ХУДОЙБЕРДИЕВ,

Сирдарё вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи

УСТОЗ-ШОГИРД ТИЗИМИ

Юртимизда азалдан устоз-шогирд анъанаси миллий қадрият сифатида шаклланган бўлиб, прокуратура органларида ҳам кадрларни тарбиялашда кўп йиллик тажрибага эга бўлган мураббийларга ёш мутахассисларни бириктириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур жараёндан пойтахт прокуратураси органлари ходимлари ҳам четда тургани йўқ. Чунончи, Тошкент шаҳар прокуратураси органларида фаолият юритаётган ҳар бир ёш мутахассисга тажрибали ходимлардан мураббий бириктирилган.

Шаҳар прокурорининг фармойишига асосан бугунги кунда ҳар бир мураббий ўзига бириктирилган шогирдининг уйига бориб, шароитини ўрганган ҳолда ота-онаси билан танишиб, доимий мулоқотда бўлиб келмоқда. Мураббийларга, шунингдек, ёш мутахассиснинг юритувидаги ҳужжатлар бўйича кунлик назорат ўрнатиш, уларни ўрганиб, аниқ тавсиялар бериш, ҳар ой якунида эса шогирдининг соҳани қай даражада ўзлаштиргани, эришган ютуқлари ва муаммолари ҳақида шаҳар прокуратураси кадрлар бўлимига ахборот бериш вазифаси юқланган.

Мураббийларга ёш мутахассиснинг юриш-туриши, муомала маданияти, каерда, нима билан машғуллик ҳақидаги маълумотларга эга бўлиши учун сутка давомида шогирдининг уяли ёки уй телефонига кўнгирок қилиб суриштириш ваколати ҳам берилган.

Бундан ташқари, карантин қоидаларига амал қилган ҳолда ҳар ҳафта жума кунлари туман прокуратуралари билан видеоконференцалока режимида ўқув машғулоти ўтказилиши йўлга қўйилган бўлиб, ходимларнинг касбий маҳорати ҳам ошириб боришмоқда.

Сардор ТАШТЕМИРОВ,

Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим катта прокурори

UCHRASHUV

ПРОКУРОР ВА ЁШЛАР

Хоразм вилояти прокурори Урганчдаги Ёшлар марказида ёшлар билан онлайн мулоқот ўтказди.

Ёшлар кунини муносабати билан уюштирилган тадбирдан мақсад ёшларнинг орзу-ўйларига қўлқўтутиш ва уларга қўмақлаштириш.

«Zoom» платформаси орқали уюштирилган учрашувда вилоятнинг барча туманларидан 100 га яқин ёшлар қатнашди. Унда вилоят прокурори суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар, ёшларга қаратилган эътибор, қонунчиликда ёшлар масалаларининг акс этиши ҳақида тўхталиб ўтди.



Сўхбат давомида ёшларнинг саволларига батафсил жавоб қайтарилди. Мулоқотда Хоразм вилояти ҳокимининг ўринбосари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгашининг раиси ҳам иштирок этгани ёшларни фаол бўлишга ундади. Аксарият масалалар қисқа фурсатда ечим топди. Мутасадди раҳбарлар кизиқувчан ёшларнинг саволларига жавоб қайтариш баробарида, ўз ҳаётини тажрибалари ҳақида ҳам гапириб беришди.

Қўчқор РАҲИМОВ,

Хоразм вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси

TASHABBUS

«ЭКСПРЕСС КУТУБХОНА»

Чуст тумани прокуратураси томонидан туман ҳокимлиги ҳамда халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда чекка қишлоқлардаги ёшлар учун «Экспресс кутубхона» ташкил этилди

Ташкилотчилар туманининг энг чекка ҳудудларида яшовчи ўқувчилар ҳузурида бўлиб, уларнинг кизиқишларидан келиб чиқиб, ўғил-қизларга 50 дан зиёд бадиий китоб, ўқув қуроллари, шунингдек, 15 га яқин қолғу асбоблари тақдим этилди.

Мулоқот чоғида ёшларга ватанга фойда келтирадиган қил инсон бўлишлари учун пухта билим олишлари зарурлиги уқтирилди.

Ўз мухбиримиз

МУРОЖААТ АСОСИДА ЖИНОЯТЧИ ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛДИ

Инсон бирор ноҳақликка дуч келсагина тегишли идораларга шикоят йўллайди. Унинг мурожаати ўз вақтида ўрганилиб, ҳал этилади. Бирок эътиборсиз қолдирилса-чи?!

Ана шу эътиборсизлик сабаб айрим тизимларга нисбатан халқнинг ишончи йўқолади. Ундан ҳам ёмони, куйида ҳал бўлмаган мурожаатлар энди умид билан юқори ташкилотларга юборилади.

Албатта, Бош прокуратурага келиб тушаётган ҳар бир мурожаат эътиборда. Уларнинг қонуний ҳал этилиши назоратга олинган.

Наманган вилояти Мингбулок тумани «Мустақиллик» МФЙда яшовчи Наргиза Эралиева 2020 йил 10 февралда Бош прокуратуранинг «Ишонч телефони»га мурожаат этди. Унда акиси Адхамжон Эралиевнинг қалтаклангани юзасидан жиноят ишлари бўйича Мингбулок тумани судининг 2020 йил 10 февралдаги қароридан норозиликни баён этиб, ҳудуд прокуратураси нозирга ўтказган терговга қадар текширув қайтадан қонуний ўтказилишида ёрдам сўраган.

Мазкур мурожаат Мингбулок тумани прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилди. Маълум бўлишича, 1984 йилда туғилган, «Мустақиллик» МФЙда яшовчи Авазбек Назаров 2019 йил 31 декабрь куни соат 22.30 ларда шу маҳаллада яшовчи, 1988 йилда туғилган Адхамжон Эралиевни қалтаклаб, жароҳат етказган.

Тўрақўрғон туманлараро СГЭБнинг 2020 йил 4 январдаги тиббий экспертиза ҳулосасига кўра ушбу мождаро туфайли А.Эралиев бош мия ёпик

шикасти, бош мия чайқалиши, ўнг тирсак суяги қисман ёпик синиши, чап ёноқ ва тана орқа юзаси шилиниши, чап кўз пастки ковоғи қонга тоналаниши бўлиши кўринишида жароҳат олган.

Мазкур ҳолат юзасидан туман ИИБ профилактика инспектори А.Мадрахимов терговга қадар текширув ўтказиб, А.Эралиев ва А.Назаров ярашиб олгани учун 2020 йил 11 январь куни жиноят иши кўзгатиши рад этиш ҳақида қарор қабул қилади. А.Эралиевнинг туман ИИБ бошлиғи номига А.Назаровнинг ҳаракатидан норози бўлиб, унга нисбатан қонуний чора кўришни сўраб ёзган аризаси эътиборга олинмади.

Туман прокуратураси томонидан жиноят иши кўзгатиши рад этиш ҳақидаги қарор ва тўшланган ҳужжатлар синчиклаб ўрганиб чиқилган, А.Назаровнинг ҳаракатларида Жиноят кодексининг 105-моддаси 1-қисмида назарда тутилган қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш аломатлари мавжудлиги аниқланди. Туман ИИБ профилактика инспектори А.Мадрахимовнинг 2020 йил 11 январдаги жиноят иши кўзгатиши рад этиш ҳақидаги қарорининг А.Назаровга тегишли қисми бекор қилиниб, унга нисбатан жиноят иши кўзгатиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Тергов жараёнида аниқланишича, А.Эралиев 2019 йил 31 декабрь куни соат 22.30 ларда синглиси Наргиза Эралиева билан биргаликда ўз уйига

келаётганида қўшниси А.Назаров бир неча эркак билан кўчада қабоб пишираётганини кўради. Уларнинг мастлигини кўриб индамай ўтиб кетмокчи бўлганида А.Назаров уни ёнига чақиради.

А.Эралиев аввалига эътибор бермасликка ҳаракат қилади. Бирок қўшниси яна чақиравергач, синглисига «Сен уйга кетавер, мен ортингдан бораман» деганча уларнинг ёнига боради.

– Нима, шунака зўр бўлиб кетганмансан, қақирсам қарамайсан?! – деб А.Назаров унга ўдағайлай бошлайди.

А.Эралиевга унинг бу муомаласи ёқмай, кўрс жавоб қилади:

– Ким зўр бўлиб кетибди?! Оғзингизга қараб гапиринг!
– Қарамасам-чи?! Нима қиласан?!

Шу тариха ўртада жанжал чиқиб, А.Назаров А.Эралиевни ерга йикитганча уришга тушади. Атрофдагилар уларни ажратиб қўйгач, А.Эралиев уйига кетади. Бирок орадан ҳеч фурсат ўтмай А.Назаров уни кўчага чақириб, яна уради.

Жабранувчининг ИИБга ёзган аризасига муносабатни юқорида баён этдик. Н.Эралиевнинг Бош прокуратурага йўллаган мурожаатини ўрганиш асосида А.Назаровга нисбатан жиноят иши кўзгатилиди ва терговга юборилди.

Авазбек Назаров суд ҳукми билан жинойи жавобгарликка тортилди. Ана шу тариха ноҳақликка учраган бир фуқаронинг мурожаати қонуний ҳал этилди.

Баҳодиржон МУЙДИНОВ,
Бош прокуратура бошқарма прокурори

ХАЛҚ ДАРДИ БИЛАН ЯШАШ – ОЛИЙ САОДАТ

Фарғона шаҳар прокурори секторидagi 23520 та хонадонда 74638 киши истиқомат қилади. Уларнинг 40223 нафари аёллар, 34415 нафари эркеклар, шундан 7813 нафари пенсионерлар, 787 нафари ногиронлар, 14226 нафари болалардир.

Пандемия даврида ўтказилган ўрганиш давомида 23520 та хонадондаги 1850 та оилада яшовчи 2546 киши эҳтиёжманд деб топилган.

Аҳолини қўллаб-қувватлаш мақсадида биринчи навбатда ҳудуддаги 211 та тадбиркорлик субъектини карантин қоидаларига риоя қилган ҳолда ишга тушириш ҳамда улардаги 1000 нафардан ортиқ ишчини иш ўринларига қайтариш чоралари кўрилди.

Шунингдек, ушбу хонадонларда яшовчи 922 та ишсиздан 869 нафарининг бандлиги таъминланди. Шундан 733 нафари доимий ва мавсумий ишга жойлаштирилган бўлса, 236 киши ўз иш жойига қайтарилди.

Бундан ташқари, пандемия даврида эҳтиёжманд аҳолини қўллаб-қувватлаш мақсадида «Саховат ва кўмак» жағғармаси ташкил этилиб, прокурор секторида 239 млн. сўмлик озиқ-овқат ва бошқа ашёлар аҳолига беминнат етказиб берилди.

Карантин қоидаларига риоя қилган ҳолда мингдан ортиқ ишчини иш ўринларига қайтариш чоралари кўрилди.

Ҳозир бу борадаги ишлар давом эттирилмоқда.

Хусусан, 12 июнь куни вилоят прокурори Улуғбек Қосимов Фарғона шаҳрида ёшлар ва тадбиркорлар билан учрашди. Учрашувда қирқдан ортиқ фуқаронинг арзи тингланлиб, ёшлар ва тадбиркорларни қийнаб келаётган бир қатор муаммолар бартараф этилди.

Жумладан, тадбиркорларнинг мурожаатига асосан вилоят «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясидан «Меймор ал-Маъмур» хусусий корхонасига 32,5 млн. сўм, «Фарғона сайқал сервис» хусусий корхонасига 110 млн. сўм, «Агрохимия» АЖдан «Ал-Хабар курувчи» МЧЖга 45 млн. сўм қарзи тўлиқ ундириб берилиши таъминланди.

Шу каби 13 июнда шаҳардаги кичик саноат зонасида меҳнат ярмаркаси ташкил этилиб, 100 дан ортиқ фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Адхамжон МАМАТАЛИЕВ,
Фарғона шаҳар прокурори

ДАЛАДАН «ЯШИЛ ДҶУКОН»ЛАРГА

Бугун кўпчиликни янги ташкил этилаётган «яшил дўкон»лар қизиқтириши табиий. Фуқароларимизда бу дўконларда нималар сотилади, нарх-навоси қандай деган саволлар ҳам туғилаяпти.

Яқин кунларда аҳолини асосий турдаги озиқ-овқатлар билан узлуксиз таъминлаш мақсадида пойтахтимиздаги аҳоли зич яшайдиган ҳудудларда «Яшил дўкон»лар фаолияти йўлга қўйилади. Уларга озиқ-овқатлар «даладан дастурхонгача» тамойили асосида «яшил» йўлақлар орқали тўғридан-тўғри, ҳеч қандай тўсиқсиз ва ўртақашларсиз олиб келинади.

Ушбу хайрли мақсадни давлатимиз раҳбарининг топшириғига мувофиқ Бош прокуратура ҳузурдаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти Тошкент шаҳар прокуратураси ва ҳокимлиги билан ҳамкорликда амалга оширади. Айни вақтда дўконларга маҳсулот етказиб бериш учун зарур ишлар қилинмоқда. Ташкил этилаётган бундай дўконлар сони 50 та бўлиб, уларда кундалик маҳсулотлар мақбул нархларда сотилади. Қурилиш дислокацияси ло-

йихаси ишлаб чиқилиб, дўконларни барпо этиш чоралари кўрилаяпти.

Дўконларда кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини аҳолига ҳамёнбоп нархларда сотиш учун ҳудудлардан камидан учта кўп тармоқли фермер хўжалиги бириктирилади. Шу мақсадда департамент раҳбарияти вилоятларга чиқиб, фермер хўжаликларининг салоҳияти, уларнинг имкониятларини ўрганимоқда.

Хусусан, бу борада Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманидаги «Ином» фермер хўжалиги фаолияти билан яқиндан танишилди. Фермернинг 122 гектар ерида боғдорчилик, балнқчилик, бошоқли дон ҳамда полиз экинлари, чорва учун озука етиштирилади. Бунда боғ қатор орасида нўхат, ловия, сабзи, қовун, тарвуз, помидор ҳам етиштирилмоқда.

Ғалладан бўшаган майдонларда ҳозир пешма-пеш картошка, сабзи, моп,

шолғом, лавлага ва турп экин режалаштирилган.

Полиз маҳсулотлари етиштириш учун ажратилган ерлардан 200 тонна маҳсулот шу ойнинг охирига қадар бозорларга чиқарилади.

Бундан ташқари, фермер хўжалигида иссиқхона мавжуд бўлиб, ҳозир помидор, бодринг ва булғор қалампирни етиштирилаяпти.

«Султон» фермер хўжалиги эса нафақат чорвачилик, балки кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан ҳам шугулланади. Жумладан, 30 гектар боғи бор, 35,8 гектар ҳовузда балнқ, 130 гектар ерда ғалла, 10 гектар ерда полиз экинлари, 270 гектар ерда чорва учун озука, 37,2 гектар ерда шולי ҳамда 141,6 гектар майдонда уруғлик етиштирилмоқда.

Даниядан олиб келинган 300 та насли корамолдан қунига олинадиган 9

тонна сут-қатиқ асосан тумандаги корхона ва ташкилотларга етказилмоқда. Молларнинг 30 фоизи бўрдокчиликка мослаштирилган бўлиб, туман аҳолиси ва ташкилотларини йўш билан таъминлаш имконини бераяпти.

Фермер хўжалигига тегишли ҳовузларда экспорт қилишга мўлжалланган Африка балнқлари етиштирилмоқда. 400 тонна полиз маҳсулотлари шу ойнинг охирига қадар бозорга чиқарилиши кутилмоқда.

Шундай фермер хўжаликлари эндиликда «яшил» йўлақлар орқали ҳеч қандай тўсиқларсиз ва ўртақашларсиз «даладан дастурхонгача» тамойили асосида маҳсулотларини пойтахтлик истеъмолчиларга етказиб беради. Бунинг учун уларга департамент ва бошқа мутасадди идоралар томонидан ёрдам кўрсатилади.

Бундан нафақат фермер, балки аҳоли ҳам манфаатдор бўлиши шубҳасиз.

Нурбек ҲАЛИМОВ,
Бош прокуратура ҳузурдаги департамент бўлим бошлиғи

ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИДА ЭЛЕКТРОН МУРОЖААТЛАР

Юртимизда фуқароларнинг мурожаатлари билан боғлиқ барча масалалар қонун билан тартибга солинган. Бош прокуратура «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун ижросини доимий назорат қилиб боради.



Қонуннинг 3-моддасида электрон мурожаатларга алоҳида изоҳ берилган. 5-моддада эса мурожаатлар оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда бўлиши ҳамда бир хил аҳамиятга эгаллиги таъкидланган. 27-моддада мурожаатларга жавоб бериш тартиби ва мурожаатларни қўриб чиқиш натижасига кўра давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдорлари томонидан қарор қабул қилинган, бу ҳақда мурожаат қилувчига дарҳол ёзма ёки электрон шаклда хабар қилиниши кўрсатилган.

Юқоридаги талаблардан келиб чиқиб, иш унумдорлигига эришиш мақсадида 2019 йилнинг 29 августидан прокуратура органларида «Электрон ҳужжат айланиши» ахборот тизими жорий этилди. Унга мувофиқ прокуратурада ҳужжатлар айланмаси, яъни ҳужжатларни рўйхатга олиш, ижрочиларга етказиш, ижросини таъминлаш, назорат қилиш, натижаси бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш ва юбориш электрон шаклда амалга оширилади.

Мазкур тизим фуқаролар сарсон бўлишининг олдини олиш имконини беради. Энг муҳими, ахборот тизимида прокуратурага келиб тушган хат, мурожаат, маълумот, ахборот ва бошқа ҳужжатлар энди электрон шаклда рўйхатга олинми, уларнинг ижроси ва натижасига оид ҳужжатлар киритилади.

Айрим тоифадаги, жумладан, ходимларга оид маълумотларни ўз ичига олган ҳужжатлар, хизмат текшируви ҳужжатлари, текшириш материаллари, жиноят, фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий ишлар, терговга қадар текширув материаллари бундан мустасно. Улар бўйича фақат хатлар ахборот тизимига киритилади ва юборилади. Сўнг ҳужжатнинг ўзи белгиланган тартибда почта орқали етказилади. Эътиборлиси, ахборот тизимига киритиш мақсадга мувофиқ бўлмаган ҳужжатлар айланмаси почта орқали амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилди.

Бирок ҳозирги давр прокуратура органларида электрон мурожаатлар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Бугун дунёда Covid-19 инфекцияси тарқалган вақтда Ўзбекистонда ҳам карантин жорий этилди, фуқароларнинг давлат идораларида қабул қилиш ҳам тўхтатилди. Бу ўринда замонавий ахборот технологияларидан, хусусан, интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда иш қўриш барча учун фойдалидир. Аммо прокуратура органлари амалиёти фуқароларнинг электрон мурожаатлари билан ишлашда бир қанча камчиликлар борлигини кўрсатмоқда. Бугун дунёни камраб олган пандемия шароитида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини

ни рўйга чиқариш эса нафақат прокуратура, балки барча давлат идораларининг биринчи галдаги вазифаларидан ҳисобланади.

Бугунги кунда фуқаролар электрон мурожаатларини прокуратура органларида уларнинг расмий сайтлари орқали бергани маъқул. Аммо фақат Бош прокуратура, Бош прокуратура ҳузуридagi Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, Бош прокуратура академияси ҳамда Мажбурий ижро бюросигина интернетда ўз расмий сайтига эга ва фуқаролар ушбу сайтлар орқали электрон мурожаат қилишлари йўлга қўйилган.

Бу камчиликнинг амалий ифодаси сифатида бир мисол келтирсак. Масалан, Бухоро вилоятининг Олот туманида яшовчи фуқаро бузилган ҳуқуқини тиклаш мақсадида туман прокуратурасига мурожаат қилади. Туман прокуратураси фуқаронинг мурожаатига жавоб беради. Бу жавобдан қоникмаган фуқаро юқори турувчи прокуратура органи ҳисобланган Бухоро вилояти прокуратурасига электрон тартибда мурожаат қилмоқчи. Чунки вилоят прокуратураси Бухоро шаҳрида жойлашган. Олот тумани эса Бухоро шаҳридан 200 км. узоқда. Табиийки, шаҳарга бориб келиш фуқаро учун қийинчилик туғдиради. Мана шундай ҳолатда фуқароларга қулай бўлиши учун хар бир вилоят прокуратураси

ўз расмий сайтига эга бўлиши мақсадга мувофиқ. Бундай вазиятда эса фуқаро фақатгина Бош прокуратуранинг сайти орқали мурожаат қилиши мумкин. Унинг мурожаати Бухоро вилояти прокуратурасига юборилиши маълум бир иш вақти сарфланишига сабаб бўлади.

Такқослаш учун хоржий мамлакатлар тажрибасига эътибор қаратайлик. Қозғистонда фуқароларнинг прокуратура органларида электрон мурожаат этишида бир қатор қулайликлар яратилганига гувоҳ бўламиз. Қозғистон 17 та маъмурий бирликка бўлинган (14 та вилоят ва республика миқёсидаги 3 та шаҳар). Ушбу маъмурий бирликларнинг барчасида прокуратура органлари мавжуд бўлиб, улар интернетда ўз расмий сайтига эга. Бундан қўзланган мақсад — фуқароларга прокуратура органлари фаолияти ҳақида хабар бериб бориш, ҳудуддаги жиноятчилик аҳволи ҳақида маълумот бериш, расмий сайт орқали электрон мурожаат юбориш имкониятини яратишдан иборат.

Хар бир вилоят прокуратурасининг расмий сайти ташкил этилганидан сўнг электрон мурожаатлар билан ишлаш механизми қуйидагича бўлиши мумкин. Фуқаро прокуратура сайти орқали электрон мурожаат қилганида унинг мурожаати қабул қилинган сана, мурожаатни қабул қилган ходимнинг исм-фамилияси, мурожаатнинг рўйхатга олинган рақами ҳақида фуқарога (у мурожаатда кўрсатган электрон почтага) унинг мурожаати қабул қилинганини тасдиқловчи маълумот юборилади. Бунга Литва давлатининг мурожаатларга оид қонунчилиги нормасини мисол қилиб келтириш мумкин.

Электрон мурожаат йўллаётган фуқаронинг шахсини тасдиқлаш тўғрисида сўз борганда электрон рақамли имзо ёки ID-карта маълумотларини киритиши кифоя бўлишини таъкидлаш жоиз. Шу ўринда электрон рақамли имзоси бўлмаган фуқаролар мурожаат йўллай олмайди, деган савол туғилиши мумкин. Бунинг ечими сифатида Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарини расмийлаштириш ва бериш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ҳужжатда қайд

этилишича, 2021 йил 1 январдан бошлаб барча янги туғилган чақалоқларга, Ўзбекистон фуқаролирига, фуқаролиги бўлмаган шахсларга ва Ўзбекистон ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқаролирига биометрик паспорт ўрнига 10 йил муддатга ҳужжат эгасининг шахсини ва фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжат сифатида идентификация картаси (ID-карта) берилади. Мана шу картага хар бир фуқаронинг электрон рақамли имзосини махсус чип сифатида киритиш мақсадга мувофиқ. Шу орқали электрон мурожаатларнинг муаллифлари ҳақида тўғри ва аниқ маълумотга эга бўлиш мумкин.

Эстониянинг бу соҳадаги тажрибаси кизиқиш уйғотади. Бу давлатда фуқароларга давлат хизматларининг 90 фоиздан ортиги электрон тарзда қўрсатилади, фуқаролар ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда давлат органларига мурожаат йўллаши мумкин. Ҳозирги кунда Эстонияда фуқаролар шахсини идентификациялашнинг уч усули мавжуд бўлиб, улар ID-карта, Digi-ID карта ва Mobil-ID иловасидан иборат. Булар мамлакатда фуқароларни идентификациялашнинг энг кенг тарқалган воситалари бўлиб, уларнинг ичидa ID-карта кенг тарқалган.

Электрон мурожаатга фуқаролар унга тааллуқли ҳужжатларни илова қилиши ҳам мумкин.

Юқорида келтирилган фикрлардан қуйидаги хулосага келиш мумкин:

хар бир бўғиндаги прокуратура органининг интернетда ўз сайтига эга бўлиши фуқаролар учун қулайлик ярадади;

пандемия шароитида фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқини амалга ошириши учун, уларнинг бу ҳуқуқлари чекланмаслиги учун ҳам прокуратура органлари жисмоний ва юридик шахсларнинг электрон мурожаатларини қўриб чиқишга алоҳида эътибор бериши мақсадга мувофиқдир;

сайтга эга бўлиш орқали фуқароларнинг ҳам, прокуратура органлари ходимларининг ҳам ортиқча вақт сарфлашининг олдини олиш мумкин.

Шерзод ЗОКИРОВ,
Бош прокуратура академияси
таънах докторанти

ВАСИЙ ВА ҲОМИЙ

Болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида турли сабабларга қўра отоналари билан бирга яшамаётган болаларга васий ва ҳомийлар тайинланмоқда.

Марғилон шаҳар прокуратура-си «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги қонун, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган Васийлик ва ҳомийлик органларига ота-онасининг қарамоғисиз қолган болалар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш тартиби ҳақидаги низомга қандай амал қилинаётганини ўрганди. Таассуфки, бу борада айрим қонунга зид ҳолатлар аниқланди.

Хусусан, 6-мактаб ўқувчиси, 2018 йилдан буён ота-она қарамоғисиз қолган 11 яшар Г.И., 7- ҳамда 14-мактабларнинг ўқувчилари, бир ярим-икки йилдан буён қариндошлари билан турган 11 яшар А.Н. ва 9 яшар Ш.И.га васий тайинланмаган. Мактаб директорлари ва масъул ходимларнинг масъулиятсизлиги оқибатида 2-мактабда ота-она қарамоғисиз қолган 1 нафар, 8-мактабда 4 нафар, 11-мактабда 2 нафар, 16-мактабда 2 нафар, 18-мактабда 4 нафар, 25-мактабда 2 нафар, 32-мактабда 2 нафар бола ҳақидаги маълумотлар шаҳар халқ таълими бўлими ҳузуридаги васийлик ва ҳомийлик органига тақдим этилмаган.

Шаҳар ХТБнинг болаларнинг ижтимоий ҳимояси бўйича бон мутахассиси таълими муассасалари раҳбарларини ота-она қарамоғисиз болалар ҳақидаги маълумотларини ўз вақтида васийлик ва ҳомийлик органига тақдим этиб боришлари лозимлиги ҳақида огоҳлантирмаган. Қонун моҳиятини тушунтирмаган.

Васийлик ёки ҳомийликдаги болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, васийлар ва ҳомийлар мажбуриятларини бажаришлари устидан назорат олиб борилмаган. Жумладан, ҳомийликдаги шахсларнинг мулк, уларга тегишли пул ва бошқа буюмларни сақлашнинг қонунийлиги тўғрисида ҳисоботлар умуман юритилмаган ёки сўров асосида ўрганилмаган.

Васийлик ва ҳомийликка олинган шахсларнинг рўйхати охириги марта 2020 йилнинг январь ойида тузилган. Эски рўйхат янгиланмаган. 2018 йилда 5 нафар, 2019 йилда 14 нафар болага васий ва ҳомий тайинланган, холос. Шунингдек, қонуннинг ҳомийликдаги шахс вояга етганда васийликни ва ҳомийликни тугатиш асослари кўрсатилган бўлса-да, вояга етган 7 нафар шахс ўз вақтида рўйхатдан чиқарилмаган.

Тахлиллар давомида шаҳар прокуратурасининг аралашуви билан ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган 14 болага васий ва ҳомий тайинланди. Қонун бузилишига йўл қўйган 11 киши маъмурий жавобгарликка тортилди. Юқоридаги каби хато ва камчиликларнинг олдини олиш ҳақида Марғилон шаҳар халқ таълими бўлимига тақдимнома киритилди.

Мухсинжон ПАРПИЕВ,
Марғилон шаҳар прокурорининг
ёрдамчиси

MULOHAZA



ПОЕЗД ТАГИДА ҚОЛГАН «НАУШНИК»

Тиббиётда юқумли касалликларнинг кенг тарқалиши эпидемия дейилишини яхши биламиз. Аммо охириги йилларда инсонлар орасида шундай бир одат шаклландики, уни ҳеч иккиланмасдан замонавий эпидемиялар қаторига қўша бўлади. Бу қулоқчинлардан фойдаланиш одати. Статистик маълумотларга қўра, дунёдаги ёшларнинг 80 фоиздан ортиги қулоқчиндан меъёридан ортиқ фойдаланар экан.

Бутун дунёни эгаллаган ушбу замонавий курилмалар инсонга бирмунча қулайликлар яратди. Аммо уларга муккасидан кетиш зиёвлигини ҳам унутмаслик керак. Келинг, бир мисол келтирамиз.

Назокат (исм-фамилиялар ўзгартирилган) турмуш ўртоғига янги телефон олдиригач, уйдаги юмушларини бажарар-бажармас уни қўлига олиб, қулоқчинини тақиб олди. Мусиқани баян қўяр, орада интернетдаги ижтимоий тармоқлар орқали дугоналари билан гап сотишдан чарчамасди. Бу ҳолат бир кун келиб фалокатга сабаб бўлишини билганида унга бунчалик боғланиб қолмаган бўлармиди...

Уша кунни ҳам Назокат эрталабдан телефондан бош кўтармади. Оқибатда ишига кеч қоладиган бўлди. Шу боис шошиб йўлга отланди. Кетаётганида хали мактабга ҳам бормайдиган ўғли Анвар телефонини ташлаб кетишини айтиб, хархаша қилди. Ҳатто қайнонасининг «буни қандай кўндирман, ўзингизникини қолдириб, меникини олиб кета қолинг» деганига ҳам кўнмай, эшикдан чиқиши билан қулоқчинни тақиб,

мусиқани баян қўйганча ишига шошилди. Йўл-йўлакай телефонга шунчалик берилиб кетдики, ҳатто темирйўлдан ўтаётганида баян сигнал чалиб келаётган поездни ҳам илғамади. Оқибатда поезд уни уриб юборди. Гўё онасини ҳалокатдан қутқариб қолиш учун хархаша қилган Анвар онасиз қолди. Гувоҳи бўлганингиздек, телефонга муккасидан кетиш бир оилага оғир мусибат келтирди.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2020 йилнинг ўтган 5 ойида республикамиз темирйўлларида 25 та бахтсиз ҳодиса содир бўлган. Уларнинг аксарияти телефон қулоқчини билан боғлиқ.

Мутахассисларнинг фикрича, бир суткада қулоқчин орқали 3 соатдан ортиқ мусиқа тинглаш эшитиш тизими учун хавфлидир. Қулоқларимиз қабул қилиши мумкин бўлган энг баян товуш 80-85 децибел. Қулоқчинлар эса 110-130 децибел товуш беради ва бу қулоқ пардасига салбий таъсир қилади. Бундан ташқари, у икки қулоққа тақилганида мия учун ўта кучли электромагнит майдон юзага келади. Натيجида миядаги воқеаларни англаш қобилияти сусаяди. Шунингдек, қулоқчин сурункали тақиб юрилганда қулоқ бўшлиғида зарарли микроорганизмларнинг кўпайишига қулай шароит яратилади.

Тўғри, қулоқчиннинг фойдали жиҳатлари бор. Бирок хавфли жойларда баян мусиқа тинглаб ёки гаплашиб кетишининг оқибати аянчли бўлишини ёдда тутиш лозим.

Садоқат КАРИМОВА,
Тошкент транспорт прокурорининг ёрдамчиси

JINOYAT HAQIQATI VA ADOLATI

«ҲОЖАТБАРОР» ТАДБИРКОР

Саид Мансуров (исм-фамилиялар ўзгартирилган) 2014 йилда Косонсой тумани «Ровот» МФЙ ҳудудида оилавий корхона ташкил этиб, ёғочни қайта ишлаш ва сотиш билан шуғуллана бошлади. 2015 йилда фаолиятини кенгайтириш мақсадида туман ҳокимлигига мурожаат этгач, унга сил касалликлари шифохонаси ёнидан 0,6 га ер ажратиб берилди. Албатта, бир йил ичида қурилиш ишларини яқунлаш шарт билан.

Бундай имконият ҳамма тадбиркорга ҳам насиб этавермайди. Ахир ер сўраб эшикма-эшик юрганлар қанча?! Афсуски, С.Мансуров бунинг кадрига етмади. Чўнтаги кўтармагани, қутилмаган харажатлари кўпайиб кетгани учун қурилишнинг бир қисмини яқунлай олди холос. Ернинг қолгани эса бўш туриб қолди.

2019 йилнинг сентябрь ойида унга қариндоши Исмоил кўнғирок қилиб, тадбиркорлик қилиш учун сотиладиган ер бор-йўқлигини сўраб қолди.

– Бир киши ерингизга жуда кизиқиб қолди, – деди Исмоил. – Телефон рақамингизни беришдан олдин ўзингиздан бир сўрай деганим...

– Бемалол, – бамайлихотир жавоб қилди Саид. Чунки кўпдан буён пайтавасига қурт тушиб, шу бўш турган ерни пулламоқчи бўлиб юрганди. – Эртага келса, ерни ҳам кўрсатаман...

Келишилганидек, эртасига харидор йигит кўнғирок қилгач, улар Ровот маҳалласида – унга ажратилган ер яқинида учрашишди.

– Мана шу майдон менга тегишли, – деди Саид. – Ўзим қурилиш қилмоқчи эдим, аммо ишларим бироз орқага кетиб, ўйлаганларимни қилолмадим. Айтганча, бу ерда нима қуришни режалаштирасиз?

– Мен эмас... Битга ҳожи ака бор, танишим... Ишларига қарашиб юраман. Ер шу кишига керак... Банкдан олти миллиард сўм кредит олинган. Ниятимиз – тўртта ҳудудда ишлаб чиқариш биноси қуриш. Чуст ва Норинда икки бинонинг қурилишини бошлаганимиз. Агар шу ернинг савдосини келиша олсак, октябр ойи охиригача яна бир тикувчилик цехи қурилишини бошлаб юборардик.

– Унда бундоқ қиламиз, – деди Саид мамнун ҳолда қўлларини бир-бирига

ишкалаб. – Ернинг қарори менинг номимга чиққан. Кадастр ҳам менинг номимга чизилади. Кейин кадастрдаги танишларим орқали ўн сотихини сиз айтган одамнинг номига ўтказиб бераман. Фақат бунинг учун 4500 доллар бериш керак уларга. Агар маъқул келса... Ернинг сотихи эса 1200 доллардан бўлади...

Харидор йигит ҳожи акага кўнғирок қилиб, Санднинг шартларини айтиди. Нарх борасида бироз тортишишгач, кадастр харажатлари учун 4000 доллар, ернинг бир сотихи учун 1200 доллар берадиган бўлишди.

Орадан бир ҳафта ўтгач, харидор йигит Саидга кўнғирок қилиб, уни ҳамроҳи билан «Гўрмирон» МФЙ ҳудудидаги ошхонада кутиб ўтиришганини айтиди.

Саид ичкарига кириб борганида ўша йигит 35 ёшлардаги шериги билан ўтирарди.

– Бу киши ҳожи аканинг ўғиллари... Олди-бердини шу киши қилади, – дея уни таништирди.

Салом-алиқдан сўнг мэхмонлар муддаога ўтишди:

– Ернинг ҳужжатлари жойидами ишқилиб?

– Бу укамга айтганман, қарор менинг номимга чиққан. Ҳужжатларда асло муаммо бўлмайди, кадастрдаги йигитлар ўзимизга қарашли. Айтилган пулни берсак бас...

– Унда келишдик!
Харидорлар Саидга бир даста доллар узатишди:

– 4000 доллар... Санаб олинг.

Саид мамнун ҳолда пулни санашга қиришди. Бирок қувонч узоққа чўзилмади. Рўпарада пайдо бўлган кишиларни кўриб, ҳаммасини тушунди...

С.Мансуровга ушбу жинояти учун суд уч йил озодликни чеклаш жазоси тайинлади.

Ғайратжон ЭРГАШЕВ,
департаментнинг Косонсой тумани бўлими
суриштирувчиси

Жанубий Корея ҳукумати Ўзбекистонда «COVID-19»га қарши курашиш учун 5 миллион АҚШ доллари миқдориди фавқуллода ёрдам кўрсатишга қарор қилди.

ЗАМОНДАН ИЛГАРИ



ЁКИ ЗАМОН

БИЛАН БИРГА...

Мамлакатимизда ёшларни ҳам маънан, ҳам жисмонан камол топтиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонун фикримизнинг далилидир. Зеро, эзгу орзу-ниятлар билан яшаётган ҳар бир фуқаро ўз келажагини фарзандлари камолида кўради. Юртнинг эртанги тақдири ҳам ёш авлод тарбияси билан чамбарчас боғлиқ.

ИМКОНИАТ ФАОЛЛИККА УНДАЙДИ

Юртимиз ёшларига яратилаётган имкониятлар албатта улардан катта масъулият, меҳнат талаб этади, фаолликка ундайди. Бугунги нуқтаи назардан қараганда ёшларнинг ғоявий тарбиясига эътиборни кучайтириш лозим. Маълумки, инсоннинг ҳаётини, дунёқарашини ўзгартиришга мажбур қиладиган маънавий омиллар орасида фикр, ғоя, мақсад ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Ҳеч ким фаол ёки нофаол бўлиб туғилмайди. Бу хусусият болада йиллар давомида шаклланади. Бола оилада, мактабда кераклича рағбатлантириб борилиши керак. Баъзан ота-оналар болаларига ҳар хил талбирларда катнашгунча дарсингни тайёрла, уй ишларига қараш деб улардаги иштиёқни сўндириб қўйишади. Бизнингча, бундай йўл тутиш нотўғри. Шундай қилиш керакки, ўқувчи дарс тайёрлашга ҳам, талбирларда ўзини кўрсатишга ҳам вақт топа олсин.

Ёшлар онгига синдирилаётган тарбия замирида янгича дунёқараш, ватанга садоқат, миллий кадрият ва анъаналарга ҳурмат, ўзаро меҳр-муҳаббат, танлаган йўли, касби, эътиқодига содиқлик каби эзгу тушунчалар ётади.

«ОЛТМИШ ФОНИЗ» ҚУДРАТИ

Дунё аҳолисининг қарийб 20 фониз ёшлар бўлса, бизда бу кўрсаткич 60 фониздан ошади. Ёшлар – халқимиз, давлатимизнинг бебаҳо бойлиги. Бизда улар учун барча шароитлар яратилган. «Гар фаоллик бўлмаган жойда, не наф ақл хазинасидан?» деган эди гуржи халқининг буюк фарзанди Шота Руставели. Бугун юртимизда ўзлари учун яратилаётган имкониятдан руҳланган ёшларимиз билим ва салоҳияти билан ўзларини намоён этишмоқда.

Ўзбекистонда ёшларнинг нуфузини оширишда халқаро кўргазмалар, олимпиадалар, турли танлов ва мусобақаларнинг аҳамияти катта. Йигит-қизларимизнинг фаоллиги йилдан-йилга ошиб бораётти. Бугунги кунда 4 мингга яқин ёшларимиз турли мукофотларга сазовор бўлган, 110 нафар йигит-қиз ватанимизнинг юксак унвонлари билан тақдирланган, 22 мингдан ортиқ ёшлар фан олимпиадаларида, 195 нафари эса халқаро олимпиадаларда ғолибликни қўлга киритган. Ёшларимиз орасида фан номзодлари, фан докторлари ҳам талайгина. Шунингдек, 192 мингдан ортиқ ёш турли мусобақалар, 3 мингдан ортиғи эса халқаро мусобақалар ғолибдир. Улар орасида 600 нафар жаҳон, 1300 нафар Осиё чемпиони бор.

Ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг қалбига ватанга муҳаббат, умр-боқий анъаналаримизга ҳурмат туйғуларини синдиришда мусиканинг ўрни бекиёс. Шу боис ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёев илгари сурган беш ташаббуснинг биринчиси мусика тарбияси билан боғлиқ, мусикий таълимни янада ривожлантириш, бу борада кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, соҳа мутахассисларининг меҳнатини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилапти.

ЯНГИ БОСҚИЧ, ЯНГИЧА ШИЖОАТ...

Мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган. Хусусан, ўтган йиллар давомида ёшлар сиёсатига оид йигирмадан ортиқ қонун, юзга яқин фармон ва қарор қабул қилинди. Ўзбекистон ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган ўттиздан ортиқ халқаро ҳуқуқий ҳужжатни ратификация қилган. Давла-

тимиз раҳбарининг 2017 йил 5 июлдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати самардорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармони бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқди.

2017 йил 30 июнь куни «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойида нутқ сўзлаган Президентимиз бундан кейин ҳаракатни Ёшлар иттифоқи деб аташ ва ушбу санани мамлакатимизда Ёшлар куни сифатида нишонлаш ташаббусини илгари сурган эди. Ҳақиқатан ҳам 26 августда эса «Ўзбекистон Республикаси ёшлари кунини белгилаш тўғрисида»ги қонун матбуотда эълон қилинди ва қучга кирди.

Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур тузилманинг жамиятдаги нуфузини ошириш механизми жорий этилди. Жумладан, Ёшлар иттифоқининг раиси айна вақтда Президентнинг ёшлар сиёсати бўйича давлат маслаҳатчиси ҳамда сенат аъзоси бўлди.

Шунингдек, иттифокнинг ҳудудий кенгашлари раислари ёшлар сиёсати масалалари бўйича ҳоким маслаҳатчиси ва мақоми бўйича унинг биринчи ўринбосарига тенглаштирилди. Бундай амалиёт жойлардаги долзарб масалаларни ҳал этишда ёшларнинг бевосита иштирокини таъминлайди. Шу билан бирга, кадрлар сиёсатида ҳам ёшларга алоҳида эътибор қаратилиб, билимли, ташаббускор ёшларимизга энг масъулиятли вазифалар ишониб топширилмоқда.

КЕЛАЖАККА ДАХЛДОР ЎЗГАРИШЛАР

«Ўзбекистон Республикаси ёшлари кунини белгилаш тўғрисида»ги қонуннинг қучга киргани мамлакатимизда олиб борилаётган ёшлар сиёсатининг ҳуқуқий ифодаси бўлди. Давлатимиз раҳбари ёшлар сиёсатининг ўзига хос

жиҳатлари хусусида тўхталиб, «...миллионлаб ёшларнинг ҳаёти ва келажагига бевосита дахлдор бўлган ўзгаришлар ҳар томонлама чуқур ўйлаб иш тутишни, етти ўлчаб бир кесилшни талаб этади» дея таъкидлаган эди. Шу маънода янги қонун жамият ва давлатнинг ёшлар сиёсатидаги қатъий иродасини намоён этиб, моҳиятган халқимиз манфаатларига хизмат қилади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ёшлар катта салоҳият, катта қуч. Бугун турли соҳаларда талай ютуқларга эришаётган ёшларимиз билан ҳар қанча фахрланасак арзийди. Улар эришаётган ютуқларни нафакат халқимиз, балки бутун дунё афкор оммаси қўриб турибди ва тан бермоқда. Халқимизнинг пировард мақсади ҳар жиҳатдан етуқ, баркамол инсонлар жамиятини барпо этиш, келажаги буюк давлат қуришдан иборатдир. Зеро, бу юртда маърифат ҳамиша улуглигини, маърифатпарвар инсонлар доимо эъзоз-лаиб келган. Бу элнинг фарзандлари иқболга эришмоқ илмининг ҳосиятидан эканлигини теран англайдилар.

ЮКСАЛИШ МАНБАИ

Эртаси нурафшон, толен баланд юрт яратувчанлик иштиёқи билан яшаётган фуқароларининг камолидан баҳра олиб, чирой очиб боради. Баркамол фарзандларига таяниб, юксак марраларни кўзлайди.

Ёшлик – умр баҳори. Бу даврда инсон ўсиб-улгайиб камолга етади. Яхши парваришланган ниҳол қуёшга талпиниб, гурқираб ўсганидек, ота-она меҳридан, жамиятнинг ғамхўрлигидан баҳра олган ёшларимиз баркамол вояга етишига умид қилсак бўлади.

Доноларнинг «Қўлингдан келса замондан илгарироқ юр, агар қўлингдан келмаса, замон билан баробар қадам ташла, аммо ҳеч қачон замондан орқада қолма» деган гапи бор. Мамлакатимиз ёшлари замондан ортада қолмаслигига, ҳар доим ундан бир қадам олдинда юришига ишонамиз.

Норбўта ҒОЗИЕВ,
«Нидо»

ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИ

РЕАЛ ВОҚЕЛИКНИ АКС ЭТТИРМОҒИ ЛОЗИМ

Бугунги кунда жамоатчилик Фуқаролик кодекси лойиҳасини қизғин муҳокама қилмоқда. Ушбу лойиҳа фуқаролик қонунчилигини бозор иқтисодиёти тамойиллари ва қадриятларига, халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган. Лойиҳанинг ижобий жиҳатларини эътироф этган ҳолда ундаги баъзи масалалар бўйича муаммоларга эътиборни қаратмоқчимиз.

Фуқаролик кодекси тартибга соладиган энг муҳим муносабатлар гуруҳига мулк ҳуқуқи ва мулк билан боғлиқ муносабатлар қиради. Ҳар қандай мулк моддий неъматларнинг юридик мужассами, давлат қудрати, халқ фаровонлиги ва инсон истеъмолининг асосий манбаидир. Бежиз Асосий қонунимизнинг 53-моддасида мулк ҳуқуқи, мулк шаклларининг тенглиги ва хусусий мулк ҳуқуқининг ҳимояси тўғрисида нормалар белгилаб қўйилмаган. Давлат мулки бўлган оммавий мулк ва кишиларга тегишли бўлган хусусий мулк муайян белгилари бўйича, яъни вужудга келиш асослари, тайинланиш мақсади, мулкка нисбатан мулкдор ваколатларини амалга ошириш, шу жумладан, унга эгаллик қилиш тартиби, ундан фойдаланиш хусусиятлари, тасарруф этиш таомиллари билан фарқланади. Хусусий мулкда ваколатлар мулкдор томонидан қонун йўл қўйган доирада осон, қулай, содда тартиб ва таомилларда амалга оширилади. Оммавий мулк эса қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартиб ва таомиллар асосида ваколатли субъектлар тизими томонидан бошқарилади. Масалан, давлат бюджетини шакллантириш тартиби, уни қабул қилиш, тақсимлаш, ундан тўғри фойдаланишни таъминлаш тизими, ижро ва назорат интизоми – буларнинг барчаси оммавий мулк ҳам фуқаролик, ҳам оммавий ҳуқуқ нормаларига бўйсундирилган мураккаб тартиб-таомилга асосланган, ўзига хос юридик шакл эканлигидан далолат беради. Лекин ҳар иккала мулк шакли ҳам қонун олдида тенг ва бир хил ҳимоя қилинади. Қонунларда хусусий мулкка нисбатан ҳуқуқий ҳимоя ва муҳофаза механизмини таъминлаш белгилаб қўйилган, чуқур хусусий мулкдорга ўргатишнинг кераги йўқ. У ўз хоҳиши ва манфаатларини яхши англаб етган, ўз мулкдан самарали фойдалана оладиган конкрет субъект. Бирок оммавий мулкда бутун дунё бўйича мулкдан самарали ва тўғри фойдаланишнинг ҳуқуқий тизими белгилаб қўйилади. Оммавий мулк давлатнинг нормал фаолият юритиши учун, мамлакат муҳофафаси, хавфсизлиги, ижтимоий таъминот ва шу каби манфаатларга хизмат қилмоғи лозим. Бирок кодекс лойиҳасида мулк шакллари фарқлаш ва бу шакллардаги ўзига хосликларни белгилаб қўйиш аъёнасидан воз кечилган. Фикримизча, бу концептуал жиҳатдан нотўғри ёндашув.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 5 апрелдаги 5464-фармойиши билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси 3-бўлими 1-бандида мулк шакллари белгилаш тартибини қайта қўриб чиқиш, хусусий мулк самарадорлигини ошириш вазифалари қўйилган. Бирок на оммавий мулк,

на хусусий мулк шаклларининг хусусиятлари очиб берилган.

Оммавий мулкда барча аҳолининг манфаати ётади. Шу сабабли ҳам ҳар бир шахс оммавий мулкдан тўғри фойдаланишни талаб қилишга, ушбу талаб бузилган деб ҳисоблаган ҳар қандай ҳолатда судга ёки ваколатли идорага мурожаат қилишга ҳақли эканлиги кодексида ўз ифодасини топиши лозим. Оммавий мулк бўйича ваколатга эга бўлган субъектлар бенифициари олдида ҳисоб бермоғи шарт.

Фуқаролик кодекси лойиҳасида концептуал жиҳатдан яна бир нотўғри ёндашув юридик шахслар рўйхатининг ёпик қилиб қўйилганидир. Бунда энг баҳсли масала рўйхатнинг тижорат юридик шахслари, хўжалик жамиятлари ва ширкатлари, ишлаб чиқариш кооперативлари доирасида чеклаб қўйилганидир. Цивилист олимларнинг кўпчилиги бундан таажжубга тушмоқда. Мамлакатимиз иқтисодиётида катта юкни қўтариб турган хусусий корхоналар, оилавий корхоналар, фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари тугатиш ва уларни МЧЖга айлантириш (чуқур қўшимча маъмулиятли жамият иштирокчилари бир-бирлари учун ҳам солидар, субсидиар жавобгар бўлиши кўпчилики бундай юридик шахсни ташкил этишдан чўчитади) тушунарсиз ҳол. Иқтисодий тизимда тижорий юридик шахсларни қайта ташкил этишлар изига тушгунча уч-тўрт йил ўтади. Бу эса уларнинг фаолиятини самарали амалга оширишга, уларни бошқаришга салбий таъсир кўрсатади.

Фуқаролик кодексида кишиларнинг, бошқа субъектларнинг биргаликдаги фаолиятини ташкил этувчи оддий ширкат тузилмаси ҳақида нормалар мавжуд. Амалдаги кодекс бўйича фақат якка тадбиркорлар ва тижорат ташкилотлари оддий ширкат шартномасининг тарафлари бўлиши мумкин, оддий ширкат шартномаси ёзма тузилиши талаб этилади. Агар қундалик ҳаётга назар солсак, оддий ширкатга ўхшаган тузилмалар ўн минглаб, юз минглаб топилади. Мана энг оддий мисол, мардикорлар одатда уч-тўрт киши бирлашиб, муайян бир ишни бажаришга буюртма олади ва биргаликда ишлайди. Бундай гуруҳлар тез ташкил топади, муайян ишни бажариб тарқаб кетиши ҳам мумкин. Улар кишилар учун биргаликдаги фаолиятни ташкил этишнинг қулай шакли ҳисобланади. Фуқаролик кодексининг оддий ширкат бўйича нормаларини реал ҳаётга яқинлаштириш лозим. Бунинг учун оддий ширкат иштирокчилари якка тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиши талабини ва оддий ширкат шартномасини ёзма тузиш талабини диспозитив қилиб ўзгартириш керак. Мана шунда юз минглаб одамлар ўз фаолиятини қонунга мувофиқ амалга



ошириш имконияти яратилганидан қониқиб ҳис қилган бўлур эди.

Яна бир масала шуки, оддий ширкатнинг учинчи шахсларга ошкор этилмаган тури бор, у кодексида «яширин ширкат» деб белгиланган. Аслида унинг махфийлик жойи йўқ, фақат иштирокчилар учинчи шахсларга бу ҳақда ошкор этмаганлар ҳолос. Шу сабабли ҳам «яширин ширкат» ўрнига «ошкор этилмаган ширкат» иборасини ишлатиш ўринли бўлур эди.

Фуқаролик кодекси лойиҳаси бўйича кўп мунозара нима учун бу мамлакатдан бу нормани олдин; бошқа мамлакатдаги бошқа норма қайси асосга кўра рад этилди деган масала устида боради. Шу муносабат билан лойиҳани ишлаб чиқувчилар жуда катта меҳнат қилишганини эътироф этиш лозим. Кўп мамлакатларнинг қонунлари ўрганиб чиқилган ва уларнинг орасида муайян нормалар асос сифатида олинган. Булар орасида бизнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётимиз учун муаммоли вазиятларга яхши ечим бўлиши мумкин бўлган шартнома конструкциялари ҳам бор. Масалан, Олий суд мутахассислари кейинчалик қайтиб сотиб олиш шarti билан тузиладиган олди-сотди шартномаси конструкциясини ижобий баҳоламоқда. Уларнинг фикрича, амалиётда пул қарз беришда гаровга нисбатан ишонсизлик мавжуд ва қарз шартномасини уй ёки автомашина олди-сотди шартномаси сифатида расмийлаштириш ҳоллари учрайди ва натижада низо вужудга келади. Агар вақтинча маблағ олишда уйни қайтариб сотиб олиш назарда тутилса, сиз ҳам, қабоб ҳам қуймаган бўлур эди.

Рақамли иқтисодиёт шароитида кўчмас мулк кадастри, турли мулккий ҳуқуқлар реестрлари, мулкка нисбатан банд қўйиш бўйича маълумотлар базалари бўлади. Улар фуқаролик муомаласи иштирокчилари учун шартнома тузишда, қарор қилишда муҳим аҳамиyatга эга бўлган ахборот манбаи ҳисобланади. Кодексида бундай маълумот базаларининг ҳуқуқий режими, уларнинг фаолиятини ташкил этиш таомиллари, жумладан очиклик, шаффофлик, эркин ахборот киритиш, олиш имконияти ва маълумотлар бўйича операциялар амалга оширилганда манфаатдор шахсларни хабардор қилиш бурни белгилаб қўйилиши лозим. Бу эса фуқаролик муомаласи иштирокчилари учун қулайлик яратишга қўлмай, ғайриқонуний ҳаракатлар содир этилишининг олдини олишга ҳам ёрдам берган бўлур эди.

Фуқаролик кодекси лойиҳасида тадбиркорликни доимий, тизимли асосда фойда олиш мақсадини қўзлаган фаолият сифатида белгилаш ҳам ўринли бўлмаган. «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасида тадбиркорлик таваккалчиликка, мулккий жавобгарликка асосланган, фойда олиш мақсадини

қўзлаган ташаббускор фаолият сифатида белгиланган. Ушбу моддага кўра тадбиркорликнинг асосий белгиси қонунга мувофиқ амалга оширилаётган фаолиятдир. Президентимиз 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга қилган мурожаатида иқтисодиётимизда «яширин иқтисодиёт»ни кескин қайтариш вазифасини қўйди. Яширин иқтисодиёт билан легал иқтисодиёт ўртасидаги асосий фарқ шундаки, яширин иқтисодиёт субъектлари тизимли асосда доимий фойда қўриш мақсадини қўзлаб фаолият юритади, бироқ қонунга риоя қилмайди (яъни тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтмайди, молия-бухгалтерия ҳужжатини юритмайди, солиқ тўламайди, ҳисобот тақдим этмайди, фаолияти назорат қилинмайди). Яширин иқтисодиётга қарши кураш олиб борилаётган бир пайтда Фуқаролик кодексида уни легал иқтисодиётга тенглаштириш мантиқан асосланмаган ёндашувдир.

Албатта, бу мулоҳазалар лойиҳанинг айрим қисмларигагина тааллуқли, унинг бошқа ижобий жиҳатларини кўпчилик эътироф этмоқда. Умуман олганда, Фуқаролик кодексининг янги лойиҳасини ишлаб чиқиш, муҳокама қилишда шовма-шошарликка йўл қўйиб бўлмайди. Бу жараён етти ўлчаб бир кесилиш талаб этади. Тадбиркорлар, адвокатлар, юристлар билан бирга иқтисодчилар, сиёсатчилар, социологлар, тилшунослар ҳам бу жараёнда фаол қатнашса нур устига нур бўларди.

Кўп мамлакатларда Фуқаролик кодексининг муқобил вариантлари ишлаб чиқилиб, энг яхшиси танлаб олинган. Бизда ҳам шундай қилинганга маълум. Нима бўлганда ҳам келгусида Фуқаролик кодекси лойиҳасини ишлаш жараёнида қуйдаги тамойилларга риоя қилинса мақсадга мувофиқ бўлур эди. Аввало, ҳуқуқнинг, шу жумладан фуқаролик ҳуқуқининг асосий тамойилларидан бири «зарар келтирма» (no sri) ҳисобланади. Демак, янги нормалар зарар келтириши истисно этилиши шарт. Иккинчи тамойил – мамлакатимиздаги цивилистик фан илмий негиздан самарали фойдаланиш ва учинчидан – илोजи борича амалдаги кодекснинг ўзини оқлаган нормалар ва тизимини сақлаб қолиш.

Фуқаролик кодекси кишиларнинг қундалик муносабатларини тартибга солар экан, унинг баён этиш усули содда, ҳамма учун тушунарли бўлиши лозим. Узундан-узок эргашган қўшма гаплар воситасида нормани шакллантириш қонуннинг моҳиятини англаб етишга тўсқинлик қилади.

Омонбой ОКЮЛОВ,
Фуқаролик қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича идоралараро комиссиянинг аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, юридик фанлар доктори, профессор



FAOLIYATIDAN

ЖАМИЯТНИ ЕМИРУВЧИ ИЛЛАТЛАР

Иқтисодий муносабатларни тартибга солиш, соҳада қонун устуворлигини таъминлаш тараққиётнинг муҳим шарт ҳисобланади. Бош прокуратура хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти Хоразм вилояти бошқармаси фаолиятида бунга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хоналарида ишлаб чиқарилган 5 хил алкоғоли ичимликлар харид қилиниб, эксперт хулосалари олинди. Натижада ичимликларнинг акциз маркалари сохталиги аниқланди.

Шундан кейин вилоят прокуратураси билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда «Gigant globus biznes» оилавий корхонасига тегишли савдо шохобчаларидан жами 55,1 млн. сўмлик алкоғоли ичимликлар ашёвий далил тариқасида олиб қўйилди. Мазкур ҳолат юзасидан қонунда белгиланган тартибда ҳуқуқий чоралар кўрилди.

Бошқарма томонидан йилнинг ўтган даврида коррупцияни фой эшиш борасида ўтказилган тадбирлар натижасида 28 та жиноят иши кўзга тилиб,

жазо муқаррарлиги таъминланди. Хусусан, департаментнинг Хива шаҳар бўлими ва ДХХ ходимлари ҳамкорлигида тезкор тадбир ўтказилди. Унда Хоразм вилояти «Ер мулк кадастр» ДК Урганч шаҳар филиали мутахассиси Ю.М. фуқаро Б.П.дан юқори лавозимларда ишловчи

танишлари орқали унинг Хива шаҳридаги нотуғаржойини туғаржой сифатида расмийлаштириб бериши эвазига 400 доллар талаб қилиб, 300 долларини олаётган вақтида ушланди.

Ҳар бир маҳаллада карантин қоидаларига қатъий риоя этиш тарғиб қилинмоқда. Хусусан, Хоразм вилояти прокуратураси, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг вилоят бошқармаси, унинг ҳудудий бўлимлари ҳамда маҳаллий ҳокимликлар томонидан «Даладан дастурхонгача» таъминоти асосида деҳқон бозор-

ларидан узоқ ҳудудларда кўчма ярмаркалар, дўконлар ташкил этилди. Уларда барча турдаги озиқ-овқатларнинг таъминоти, захираси, сифати ва нархи қатъий назоратга олинган.

Вилоятдаги 350 дан ортиқ кўчма ярмарка ва дўконга 132 та иссиқхона, 247 та совуқкит ва 38 та оғирдан озиқ-овқат маҳсулотлари тўғридан-тўғри етказиб берилмоқда. Аҳоли томонидан етилган маҳсулотлар сатиллишига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, пандемия шароитида вилоятдаги йирик корхоналарга арзонлаштирилган маҳсулотларни етказиб бериш йўлга қўйилди.

Мониторинг жараёнида 20 та ҳолатда озиқ-овқат, 18 та ҳолатда тиббий никоблар нархи асосиз оширилгани аниқланди ва прокуратура, солиқ, департамент органлари томонидан қонун доирасида ҳуқуқий таъсир чоралари кўрилди.

Гайратжон СУЛТОНОВ,
департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси бошлиғи



Валютани қонунга ҳилоф равишда муомалага киритишнинг олдини олиш борасидаги тезкор тадбирларда 2020 йилнинг ўтган даврида 54 та қонунбузилиш аниқланиб, 12 та жиноий ва 42 та маъмурий иш кўзга тилиб. Ҳуқуқбузарлардан 40116 АҚШ доллари, 77050 Россия рубли, 188 миллион сўм, 88900 Қозоғистон тенгеси ашёвий далил сифатида олинди, давлат эгаллигига ўтказилди.

Вилоятда хуфиёна иқтисодиёт билан боғлиқ 32 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 7 та жиноят иши ва 25 та маъмурий иш кўзга тилиб. Ҳуқуқбузарлардан ноқонуний ишлаб чиқарилган 565 млн. 532 минг сўмлик маҳсулотлар олиб қўйилди.

Бошқарма ўтказган тадбирда «Gigant globus biznes» оилавий корхонасига қарашли дўконлардаги кингирликларга барҳам берилди. «Асл биллур» ва «Ўзбекистон шампани» кор-

АҚЛ КЎЗИ ОЧИЛМАСА...

Марҳаматлик ўттиз етти яшар Маҳмуд Норалиев (исм-фамилиялари ўзгартирилган) қинғир ишлари учун бир эмас, бир неча марта жиноий жавобгарликка тортилган. Ким билсин, бундай одамларнинг кўзи очилиши учун яна нима қилиш керак?

Ўқчи пахта заводи товаршуноси бўлиб ишлаган бу шахс яна жавобгарликка тортилди. Унинг жавобгарлигида 166 миллион сўмликдан зиёдроқ пахта бор эди. Омбордаги 342 миллион 270 минг сўмлик пахтани товаршунос аллақачон талон-торож қилган эди. Бироқ устомон Маҳмуд жиноят изини ёпиш ниятида маҳсулот жамият омиборида сақланаётгани ҳақида сохта маълумотни ҳисобхонага топшириб юборди.

Олмоқнинг бермоғи бор деганларидек, кунларнинг бирида тафтишчи келди. У мутасаддилар қатори катта товаршуносни ҳам сўроққа тутди. Ўтган ва жорий йил ҳосили қолдиқлари бир-бир ҳисобланди. Бу борада

ҳолис таҳлил ўтказиш учун саноқ комиссияси ҳам тузиладиган бўлди. Ана энди товаршуноснинг айблари очиладиган кунлар келди. Муассасада давлат молиявий назорат тадбири ҳам ўтказилди. Шу тариқа Маҳмуднинг кирдикорлари фой бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Хўжабод тумани судининг ҳукмига кўра айбли деб топилган М.Норалиев 6 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Азизбек ҒАНИЕВ,
департаментнинг Марҳамат тумани бўлими инспектори

ПСИХОТРОП МОДДА САВДОСИ

Ўзбекистон туманидаги «Витамин-С» МЧЖга қарашли дорихонанинг норасмий раҳбари Д.А. гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда сотиш жиноят эканлигини яхши билган. Била туриб психотроп моддалар сирасига кирувчи «Баклосан 10 мг» дорисини МЧЖнинг Фурқат туманидаги 1-шохбачаси фармацевти С.Қ.га етказиб берган.

С.Қ. республика ҳудудида муомаласи чекланганини билгани ҳолда 20 дона «Баклосан 10 мг» дорисини махсус харидорга 22 минг сўмга сотган пайти департаментнинг туман бўлими ходимлари томонидан ҳолислар иштирокида ушланиб, дори ва пул ашёвий далил тарзида олинди ҳамда керакли ҳужжатлар расмийлаштирилди.

Судда айбига тўлиқ иқроқ бўлган Д.А. ва С.Қ.га озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

Эркинбой РАХМАТИЛЛАЕВ,
департаментнинг Фурқат тумани бўлими бошлиғи

ВАЪДАЛАРИ ЁЛҒОН ДОМЛА

Ҳар бир соҳанинг тараққиёти билимли, салоҳиятли кадрларга боғлиқ. Айниқса педагоглар тайёрлаш тизимида жуда эътиборли бўлишимиз керак. Муаллим бўлиш орзусида университетга ҳужжат топширишни ният қилган Дилшода Азимова (исм ва фамилиялар ўзгартирилган) 2019 йилнинг май ойидан хавотирга туша бошлади. «Университетга билим билан кириб бўлармикан?... Узунқулоқ гапларга қараганда албатта таниш-билиш бўлиши керак экан...».

Бухоро давлат университети педагогика кафедраси ўқитувчиси Ҳабиба Илҳомова эшик қоқиб келган меҳмонларни яхши кутиб олди. Қайнопаси билан келган меҳмонлар узоқ куттирмай муддаога кўча қолишди.

– Мана шу Дилшода қиз университетга ҳужжат топшироқчи, нима деб маслаҳат берасиз?

– Яхшиси, ижодий имтиҳони бор факультетга топширган маъқул. Кириш осонроқ бўлади.

– Уйга бориб маслаҳатлашиб кўрамиз. Харажати қанақа бўлар экан?

– 5000 АҚШ доллари, – деди Ҳабиба Илҳомова.

Ушбу суҳбатдан кейин Ҳ.Илҳомова абитуриент миқозини кута бошлади.


31 июль куни тоқати тоқ бўлган ўқитувчи Дилшодага кўнги-роқ қилди. Дилшода ҳадеганда жавоб бермади. Домла унга ҳужжат топшириш вақти ўтаётганини

ёзиб юборди. Агар хоҳласа, 3000 долларни бўлса ҳам ўқинишга киритиши мумкинлигини шипшитиб ўтди. Дилшода бу таклифга рози бўлди.

2 август куни университет олдида учрашиб, Дилшодадан 3000 долларни олар экан, «Ўқинишга кирганингиздан кейин менга 300 доллар берасиз», – деди Ҳабиба Илҳомова. Аслида пора юзини қора қилишини ҳаёлига ҳам келтирмасди.

Суд ҳукми ҳақиқатни барчага аён қилди. Ҳабиба Илҳомова айбли деб топилди ва бир йил муддатга педагогик фаолият ҳамда моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, жарима жазосига тортилди.

Абдужалил НОСИРОВ,
департаментнинг Бухоро вилояти бошқармаси бўлим инспектори



ОТА МЕҲРИ ҲАР НАРСАДАН УСТУН

Бош прокуратура ҳузуридаги бюронинг Поп тумани бўлими ходимлари қатор ҳамкор ташкилотлар билан олиб борган тарғибот ва тушунтириш ишлари самара берди. 2020 йилнинг 5 оyi мобайнида 332 та оила ярашди.

Зиёдулла Матқосимов Поп тумани Янгйер маҳалласида истиқомат қилади. Турмуш ўртоғи Соҳиба Жўраева билан келишмовчилик сабаб ажрашиб кетишган. З.Матқосимов фуқаролик ишлари бўйича Чуст туманлараро судининг буйруғига кўра вояга етмаган икки фарзанди учун ҳар ойда топган даромадидан алимент тўлаши белгиланган.

Мазкур ижро ҳужжати бюронинг Поп тумани бўлими иш юритувига олинган бўлиб, алимент ўз вақтида ундириб келинаётган эди. Давлат ижрочилари ажрашиб кетган эр-хотин билан оилани асраб-авайлаш,

қадрига етиш, фарзандлар қамолотида ота-онанинг ўрни борасида тушунтириш ишлари олиб бориши натижасида улар бўлим биносига ярашишга аҳд қилишди.

Бюронинг туман бўлими мазкур йўналишда туман ҳокимлиги, турли ташкилотлар, жамоатчилик вакиллари иштирокида ҳар бир маҳаллада тушунтириш ишлари олиб бормоқда. Уларда оилаларни мустаҳкамлаш, нотинч оилалардаги муаммоларни бартараф этиш, ажрашиш ёқасида турган оилаларни яраштиришга алоҳида эътибор берилаяпти.

Умуман олганда, МИБнинг туман бўлимида бугунги кунда 1880 та алимент билан боғлиқ ижро ҳужжати мавжуд. 2020 йилнинг ўтган 5 оyi мобайнида 1 млрд. 250 млн. сўмдан зиёд алимент ундирилди. Шунингдек, бандликка қўмақлашиш марказлари билан ҳамкорликда ишсиз алимент тўловчиларнинг бандлиги таъминланмоқда. Шу кунга қадар 70 нафар ана шундай фуқаро турли корхона ва ташкилотларга ишга қабул қилинди.

Иқболжон ҲАЙИТҚУЛОВ,
МИБ Поп тумани бўлими бошлиғининг ўринбосари

ФАРЗАНДЛАР ТАҚДИРИГА БЕФАРҚ БЎЛМАНГ!

Кўпгина оммавий ахборот воситаларида алимент қарздорликлари ҳақидаги маълумотларга кўзимиз тушса, албатта дилни хира қилувчи ҳолатлар келтирилган бўлади. Баъзи алиментчи оталарга нисбатан маъмурий чора қўлланилишига тўғри келганида, алимент тўлашга дарров шай бўлиб қолишади. Худди Саидқулов сингари...

Фуқаролик ишлари бўйича ФИБ Термиз туманлараро судининг 2015 йил 10 август кундаги қарорига асосан Шеробод туманида яшовчи С.Саидқуловдан бир нафар фарзандининг моддий таъминоти учун алимент ундириш тўғрисида ижро ҳужжати Мажбурий ижро бюросининг Шеробод тумани бўлими иш юритувига келиб тушган ва ижро ҳаракатларига киришилган.

С.Саидқулов бир нафар фарзандининг моддий таъминотини тўлашдан бўйин товлаб қочиб юрганлиги сабабли унга нисбатан жорий йилнинг 16 март куни қидирув эълон қилинган.

Бюронинг Шеробод тумани бўлими томонидан олиб борилган қидирув натижаларига кўра жорий йилнинг 11 июнь куни қидирувдан топилди, ижро ҳаракатларига киришилди ҳамда бир неча йиллардан буён йиғилиб қолган 6 миллион 458 минг сўм алимент пуллари тўлиқ ундирилди.

Карантин сабабли уйда қолаётган С.Саидқуловнинг собиқ турмуш ўртоғи фарзанди учун зарур бўлган таъминотнинг ундириб берилганлигидан ўз миннатдорчилигини билдирди.

Худди шунингдек, ФИБ Бойсун тумани су-

дининг 2016 йил 14 октябрдаги қарори билан Ш.Асатовдан вояга етмаган бир нафар фарзандининг моддий таъминоти учун иш ҳақи ва бошқа даромадларининг тўртдан бир қисми миқдоридан алимент ундириш тўғрисида ижро ҳужжати юзасидан 2020 йил 9 март куни Бюронинг Шеробод тумани бўлими томонидан унга нисбатан қидирув эълон қилинган эди.

Олиб борилган қидирув натижаларига кўра жорий йилнинг 9 июнь куни у Жарқўрғон туманидан топилди. Унга алимент тўлаш шартлиги акс ҳолда 15 сутка маъмурий қамок жазоси қўлланилиши тушунтирилганда, оилар давомида йиғилиб қолган 5 миллион сўм алимент қарздорлигини тўлиқ тўлаб берди.

Бюронинг туман бўлими томонидан мазкур оталарга нисбатан қидирув қарорлари бекор қилиниб, алимент пуллари ўз вақтида тўлаб боришлари тушунтирилди.

Бобомурод УМАРОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг бошқарма бош инспектори

БАНКДАН БОЖ УНДИРИЛДИ

Ўзбекистон Олий судининг 2019 йил 11 сентябрдаги ижро варақасига асосан «Ўзсаноатқурилишбанк» дан давлатга 193 345 896 сўм бож ундириш белгиланган. Ушбу ҳужжат 2019 йил 28 ноябрда бюронинг Миробод тумани бўлимига келиб тушган. Шу куннинг ўзида ижро ишини юритиш тўғрисида қарор чиқарилиб, қарздорга юборилган.

Қарздор берилган муддатга қарзини ўз ихтиёри билан тўламагани сабабли давлат ижросини мажбурий ижро ҳаракатларига киришди ва қарздорнинг ҳисобрақамига инкассо топширини кўйилди. 2020 йил 15 июнь куни 193 345 896 сўм давлат божи тўлиқ ундирилиб, давлат ҳисобига ўтказилди.

Сарвиноз АБДИРАИМОВА,
МИБ Миробод тумани бўлими давлат ижросини

«ОҲАКЧИ» ТАДБИРКОР

МИБ Самарқанд вилоят бошқармаси ва Нарпай тумани бўлими ходимлари томонидан тезкор тадбир ўтказилди.

Тумандаги Муқимий маҳалласида жойлашган нотураб бинода фуқаро Н.Шамсидинов умумий фойдаланишдаги табиий газ тармоғига ўзбошимчилик билан улашиб олганлиги маълум бўлди.

У оҳак маҳсулоти пишириш мақсадида қўлбола усулда ясалган жами 8 дона горелка

ёрдамида табиий газдан ноқонуний фойдаланиб келганлиги аниқланиб, тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилди.

Самарқанд вилояти бўйича газ таъминоти корхонаси томонидан берилган ҳулосада ҳуқуқбузар табиий газдан ноқонуний фойдаланиб келганлиги натижасида таъминот-

чи корхона манфаатларига 15 млн. 589 минг сўм миқдоридан зарар етказилгани кўрсатилган.

Фуқаро Н.Шамсидинов маъмурий ҳуқуқбузарликни содир қилганлиги сабабли, унга базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баробари миқдоридан жарима белгиланди.

Шаҳрам ЖўРАЕВ,
МИБ Самарқанд вилояти бошқармаси инспектори

35 МИЛЛИАРД СЎМДАН ОРТИҚ ҚАРЗДОРЛИК УНДИРИЛДИ

Мажбурий ижро бюросининг Шўрчи тумани бўлими иш юритувига Шеробод туманлараро иқтисодий судининг қарорига асосан қарздор «Мўмин Текстиль» МЧЖдан ҳамда кўшимча жавобгарлар «Ўзтрансгаз» АЖ, «Муборак ГПЗ» МЧЖ ва «Шермуҳаммад» фермер ҳўжалигидан жами 35 миллиард 519 миллион 732 минг сўм қарз ундириш тўғрисидаги ижро ҳўжжати келиб тушган ва ижро ҳаракатларига киришилган.

Ушбу ижро ҳўжжати юзасидан Бюронинг туман бўлими давлат ижросини томонидан Ўзбекистон Республикаси «Суд ҳўжжатлари ва бошқа органлар ҳўжжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг тегишли моддаларига асосан суд қарори билан қарздор тарафларнинг мол-мулкларини аниқлаш мақсадида тегишли ташкилотларга сўровномалар юборилиб, сўровномалар натижаларига кўра балансда бўлган кўчмас мулкларга нисбатан нотариус ва кадастр таъкиклиари ўрнатилиб, қарздор «Мўмин Текстиль» МЧЖга тегишли бўлган Шўрчи туманида жойлашган ип калава фабрикаси ва ип калава ишлаб чакариш ускунаси хатланган.

Шунингдек, ушбу бино ва ишоатлар Мажбурий ижро бюросининг Шўрчи тумани бўлими томонидан жорий йилнинг 27 январь куни белгиланган тартибда баҳолашиб, электрон онлайн-аукцион савдосига чиқарилиб, 9 июнь куни 35 миллиард 519 миллион 732 минг 31 сўмга сотилиб, ундирувчи «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ фойдасига ўтказиб берилди.

Бобур ТАШПУЛАТОВ,
МИБ Сурхондарё вилояти бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари



БУЗОҚНИНГ ЮГУРГАНИ СОМОНХОНАГАЧА

Бюронинг Ғаллаорол тумани бўлимида «Мирзачўл парранда файз» МЧЖ ва бошқалар ҳисобидан «Asia alliance bank»нинг Самарқанд филиалига кредит ундириш, ундирувчи Ф.Эшмуродовага тегишли бўлган «Сартива» автомашинасига қаратиш ва автомашинанинг бошланғич баҳосини 111 млн. 155 минг сўм этиб белгилаш ҳақида Дўстлик туманлараро судининг 2019 йил 30 июлда чиқарилган ижро ҳўжжати мавжуд.

Ҳўжжатнинг ижросини таъминлаш мақсадида 2020 йил 4 январда жавобгарнинг «Каптив» автомашинасига нисбатан қидирув эълон қилинган.

Қидирув натижасида ушбу автомашина 4 июнда Жиззах шаҳридан топилди ва вақтинча сақлаш учун жарима майдонига олиб келинди. Автомашинани белгиланган тартибда аукционга чиқарилиб, сотувдан тушган маблағ зарарни қоплашга йўналтирилди.

Хусан МИРАЗИМОВ,
МИБ Жиззах вилояти бошқармаси катта инспектори

Олмалик кон-металлургия комбинати ташаббуси ва илмий тадқиқотлари туфайли биринчи бор юқори тозаликдаги 99 фоизлик соф палладий кукунини олишга эришилди.

ПИЧОҚ КЎТАРГАН ҚАЙНОНА

Ҳаётда турфа тақдирлар учрайди. Сайёра бир ё икки эмас, нақ тўрт марта турмушга чиқди. Учинчи турмушидан орттирган кизи билан 2017 йилда Холиқ Хуррамовга тегди ва яна қизли бўлди.

Иккинчи гуруҳ ногирони Холиқ Хуррамовнинг вафот этган аввалги рафикасидан уч ўгли бор эди. Уларнинг каттаси Полвон уйланган, пул топиш учун Россияга кетган, унинг хотини Руқия ва икки яшар ўғли ҳам шу ҳовлида яшарди.

Сайёранинг кичик кизи туғилганидан сўнг шундоқ ҳам унга ёвқараш қилиб юрадиган Руқия авжга чиқди. Уни қайнотасига ёмонлашдан ҳам тоймади:

– Сайёра болаларингизга ўғай она бўлади, уларга ўзининг фарзандидек қарамайди барибор...

Келин бу гапларни ўғай қайнонасининг олдида айтди. Шундай қилиб Сайёранинг жигига тегиб, хузур қиларди.

Бу орада Руқия Сайёранинг катта кизи Анорани ҳам турткилаб, «Сен отангга ўғайсан» деб камситишни бошлади. Шунда Сайёра чидай олмай унга ташланди:

– Ёмонлигинг бўлса, ўзимга қил, бегуноҳ боламга нима дейсан? – дея айтиши болади.

Руқия рўзгорда ҳам бирор ишга қўл урмас, чошгоҳча уқлар, устига-устак ўғай қайнонасини сенсираб, «Тенгак, инфос, ўғай, калланг ишламайди...» дея камситарди.

Охири тоқати тоқ бўлган Сайёра келинига қараб дағдага қилди: «Уруғинг билан қурийти юбораман!». Руқия эса унинг пўписасига жавобан қулиб қўя қолди...

Ушанда ёзнинг сўнгги кунларидан бири эди. Эрталаб ўрнидан турган Сайёра катта қизига дори ичирди. Эри ҳам ўрнидан туриб, ювиниб, маҳалладаги таъзияга

мади, биддики, она-бола қотиб ухлаб ётишибди. Шундан сўнг аста ошхонага кирди. Пичоқни қўлига олиб, ортига қайтди.


Руқия Алибекни кучоқлаб, ухлаб ётарди. Қайнонасининг кирганини сезмади ҳам. Пашшахонанинг бир чети очик эди. Сайёра секин Руқиянинг бош томонидан борди. Унинг ёйилиб ётган сочларини чап қўли билан маҳкам чапаллади. Сўнг илқис бошини ортага тортди-ю... бўйнига пичоқ тортиб юборди. У қисқа вақт ичида жон берди. Қон Алибекнинг юзига сачраб, уни уйғотиб юборди. Бола кўзларини очиб, чириллаб йиғлай бошлади. Ғазаб исканжасида қолган Сайёра болани ҳам бир ёқлик қилди.

Болақайнинг очик қолган кўзлари ҳам Сайёрани сескантирмади... Аёл ўликларнинг устига мато ёлди. Руқиянинг хонасидан нам салфеткани излаб топиб, кўзлари ва пичоқни артиб тозалади. Сўнг пичоқни Руқиянинг ёстиғи остига қўйди. У келиннинг тунда кўрқмаслик учун ёстиғининг остига пичоқ қўйиб ётиши ҳақида айтганини эслаганди...

Салфеткаларни тандирга ташлади. Кўзларини офтобада ювди. Хонасидан тоза либос олиб, эгнини алмаштирди. Қон доғли кийимларини тандирга ташлаб, ёқиб юборди.

Бу орада бешикдаги кизи уйғониб қолди. Уни овутиб чиқди-да, ҳаммомга кириб ювибди. Шундан сўнг бамайлихотир боласини эмизди...

Жиноят очилмасдан қолмайди. Сайёра бунни ҳеч ким билмайди дея янгилиди.



чиқиб кетди. Сайёра рўзгор ташвишларига уннади. Бир соатлардан кейин эри таъзиядан қайтиб, кийимларини алмаштирди ва далага ишга кетди.

Сайёра хамир қориди. Зувала ясаб, кўрпачага ўраб, тиндириб қўйди. Сўнг боғчага катта қизини қўйиб келди. Қайтиб келиб, кир ювди. Соат тўққизга яқинлашса ҳам келини Руқия ўғилчаси Алибек билан ухлаб ётарди. Агар бирон товуш чиқариб уларни уйғотиб юборса, ундан балога қолиши тайин эди.

Кир юва туриб келинига айтган «Уруғинг билан қурийти юбораман» деган гапи яна ҳаёлига келди. Миясида келиндан ўч олиш фикри гўжгон ўйнай бошлади. Ғазаби қайнаб, ақлини снги ва жиноятга ундади.

Дастлаб она-бола ётган дахлиз тарафга секин юриб борди. Эшиги ёпиқ эди, ичкарига қулоқ солди, ҳеч қандай овоз эшитил-

Терговда барчасига ойдинлик киритилди. Қотилнинг айбига иқдор бўлишдан бошқа чораси қолмади.

Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти судида 1980 йилда туғилган Сайёра Инатованинг жиноят иши кўрилди. У дастлабки терговда барча қилмишига иқдор бўлиб, тафсилотларни илдан игна-сигача ёзиб берди. Бироқ суд мажлисида қилмишига иқдор бўлмасдан, терговда босим остида айбини тан олганини айтди. Бироқ унинг муҳдис жинояти суд мажлисида инкор этиб бўлмас далиллар билан ўз исботини топди.

Суд ҳукми ўқиди. Сайёра Инатовани 13 йилу 4 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Азамат МИРЗАЕВ,
Қашқадарё вилояти прокурорининг
уринбосари



ОНА ҚИЗИНИНГ НОМИНИ БУЛҒАДИ

Шакарбой (исмлар ўзгартирилган) яшайдиган худуд аҳолиси узумчилик билан, аниқроғи майиз тайёрлаш билан шуғулланади. Асосий даромади шундан. Уйларнинг томи ҳам узум қуритишга мослашган.

маси қотиб ухлаб ётибди. Сен ҳам камчиликларингни тўғрилаб олсан, – деди қизини эгри йўлга бошлаган она.

Турмуши ўхшамаган Ҳанифа анча пайтдан буён бир боласи билан ота уйда эди. Гарчи онасининг қилмиши тўғри бўлмаса-да унга қаршилиқ қилмади.

Ота-она нафақат ўз хурматини сақлапга, балки фарзандларининг шаънига доғ туширмасликка, уларнинг феъл-ақолидаги нуқсонини яширишга уринади. Лекин Ҳалиманнинг ҳаракатларини кўрган одам беш қўл баробар эмаслигига яна бир марта амин бўлади.

Ҳанифа онасига эргашиб, қўшининг уйига борди. Улар ўзлари билан олиб келган фарғуларни майизга тўлдириб қайтишди. Кейин ҳеч нима бўлмагандай уйига кириб ухлашди.

Бир неча кундан кейин майиздан кимдир олаётганини сезиб, аммо кимлигини билмай юрган ака-укаларга бу гал видеокамерадаги ёзувларни кўриб, ўғрилари таниб олиш қийин бўлмади. Эртаси куни улар ҳолат юзасидан тегишли жойга арз қилиб, видеоёзувни кўрсатишди.

Шу куни ИИБ ходимлари Ҳалима ва қизини қидириб келишди ва уларидан нархи 750 минг сўм бўлган 50 кг. майизни ҳужжатлаштириб олишди.

Суд сулланувчиларга нисбатан ҳукми ўқиди. Ҳалиманнинг қарамоғида 4 нафар, Ҳанифанинг 6 ойлик фарзанди борлигини, аввал судланмагани ҳамда етказилган зарарни қоплаганини инобатга олиб, жарима жазоси тайинланди.

Нафси йўлида эгриликдан қайтмайдиган, ҳатто ўз боласини ҳам бу қинғирликларга шерик қиладиган оналарни ҳеч бир баҳона билан оқлаб бўлмайди. Ҳалиманнинг бошида эри, қолаверса оғир кунда ташлаб қўймайдиган отаси, қариндошлари бор. Демак, у ночор, оч қолдиган ахволда эмасди. Аёлдаги нафс, қаноатсизлик ўзи ва қизини ёмонотлик қилди.

Санжар КАБИЛОВ,
Самарқанд вилояти прокурорининг катта
ёрдамчиси

Август ойида Шакарбой укаси Эсонбой билан ўзларининг боғидан узган узумларини қуритиш мақсадида Шакарбойнинг уйи томига илиб чиқишди. Октябрь ойида қуриган майизларни йиғиштириб олиб, дарвозахонага тўкиб қўйишди. Энди майизларни аста-секин қайта ишлаш, тозалаш, сотинга тайёрлаш жараёни бошланади.

Бир-икки кундан кейин Эсонбойнинг ўгли Зокир майизларни кимдир ўғирлаётганини сезиб қолиб, отасига айтди.

– Қопларга солиб, омборга киритиб қўй, – деди Эсонбой. Зокир майизларни 40 килодан ўлчаб, қопларга жойлади, жами 52 қоп бўлди. Зокир майизларни тозалаб бериш учун қишлоқдошларига таркатди. 7 та қопни тозалатиш учун одам тополмай омборда қолдириди.

Эртаси куни Эсонбой келиб, омборни кўздан кечирди. Ўғлининг ҳисоб-китоб дафтарига қараб яна бир қоп майиз йўқлигини кўрди. Шундан сўнг улар шу куни Шакарбойнинг дарвозахона ва омборига кузатув камераси қўйдиришди.

Ҳалима Шакарбойнинг ён қўшини. Аёл қўшинининг дарвозахонасида турган майиздан хабардор эди. Уша куни ярим кечаси уйғониб, қўшинисиникига ўтди. Қишлоқ жойларда ҳовлилар тўлиқ ўралмаган, дарвозахоналар ҳам очик ҳолда бўлади. Аёл майиз борлигига ишонч ҳосил қилди. Омборнинг эшигини ҳам очиб кўрмоқчи бўлди. Эшик қулф экан.

Уйига қайтиб кизи Ҳанифани уйғотди. – Тур, қизим, юр, Шакарбойниқидан майиз оламиз. Мен кўриб келдим, ҳам-

ХАЛҚАРО ПОЧТАДАГИ ЎЙИН

«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти бундан уч йил аввал ҳам йилни фойда билан якунлаган эди. Шундан сўнг жамият ҳаётида оғир кунлар бошланди. Бу эса бир қанча омиллarga боғлиқ. Аммо биз ҳозир уларнинг барчасини кўрсатиб ўтмоқчи эмасмиз, фақатгина биттасига тўхталамиз.

Аксарият ривожланган давлатларда почта хизматига барча соҳаларга керак бўлган муҳим тизим сифатида қаралади. Айни пайтда одамларнинг юз минглаб жўнатмаларини дунёнинг у бурчагидан бу бурчагига зиёсиз етказиб беришни уддалаётган давлатларда почтанинг иқтисодий ҳолати яхши. Бизда ҳам халқаро почта хизматидан анча тушум тушади. Аммо бу пулни жой-жойига қўйиш ўрнига шундоқ ҳам оқсаётган тизимнинг илдизига болта ураётган «уддабуронлар» ҳам учраб турибди.

Манзура Алишеров (исм-фамилиялар ўзгартирилган) 2014 йилдан буён «Ўзбекистон почтаси» АЖга қарашли «Халқаро тезкор почта» филиали бош ҳисобчиси лавозимида ишлар эди. Қонун ҳужжатларига кўра унинг мажбуриятига пул билан боғлиқ операцияларни ҳужжатларда акс эттириш, филиал тизимидаги ҳудудий бўлимлардан пул ўз вақтида тушишни назорат қилиб бориш қабилад қирарди. Шундай бўлса-да, у лавозимини суниётсизмол қилди, жамиятга тегишли маблағларнинг талон-торож қилинишига сабабчи бўлди.

М.Алишерова филиалнинг Самарқанд вилояти бўлими муҳандиси Фарид Султонов ҳамда филиалда курьер бўлиб ишлаган Босит Ўнаров билан бирга почта жўнатмалари тўловидан тушган нақд пулни филиал ҳисобрақамига кириб қилмасдан, ўзлаштириши оқибатида «Халқаро тезкор почта»га 317 млн. 767 миң сўмдан ортқ зарар етказган.

Қинғир ишнинг қийини чикиши тайин. Жиноят ишлари бўйича Миробод тумани суди томонидан айбдорларга қилмишига яраша жазо тайинланди.

Улғубек НАЗАРОВ,

департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси катта инспектори

НИГОН

ARIN ИДОРАЛАРАРО ТАРМОҚЛАРИ

коррупция натижасида орттирилган активларни қайтариш бўйича ҳамкорликнинг янги босқичи

Халқаро характердаги, яъни трансмиллий жиноятларнинг турлари, улар орқали етказилган зарарнинг кўлами нафақат бирор давлат, балки халқаро ҳамжамият учун хавфли эканлиги бугунги кунда ўз исботини топди. Давлатларнинг ривожланишини секинлаштираётган, уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳаларига салбий таъсир кўрсатаётган, инсоният учун катта хавф туғдириб келаётган трансмиллий жиноятлардан бири коррупциядир.

Улар орасида жиноий йўл билан топиладан даромадларни легаллаштириш босқисиди жиноятларни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Тарихга назар соладиган бўлсак, жиноий даромадларни легаллаштириш («пулни ювиш») 1920-йилларда АҚШда жуда кенг тарқалиб, ўша даврдаги жиноий гуруҳлар, яъни мафия спиртли ичимликларни контрабанда йўли билан сотишдан орттирган пулни ювишнинг бизнесга жалб қилиб, легаллаштирган.

Бугунги кунда ривожланаётган давлатлар порахўрлик, мулкни ўзлаштириш ва бошқа шу каби коррупцион ҳаракатлар натижасида ҳар йили 20-40 млрд. АҚШ доллари миқдориди пул йўқотлади. Бу эса инсонларнинг давлатга, унинг ваколатли органлари ва ташкилотларига бўлган ишончининг сўнишига олиб келмоқда.

Бир тарафдан умумий иқтисодий муаммоларнинг пайдо бўлиши, иккинчи тарафдан ушбу муаммоларни келтириб чиқараётган трансмиллий сабабларнинг мавжудлиги дунё ҳамжамияти ушбу криминал вазиятга қарши курашиш учун кучларни бирлаштириши зарурлигини кўрсатади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси бевосита ушбу масалага қаратилган бўлиб, унда «активларнинг қайтарилиши мазкур конвенциянинг энг муҳим принципи ҳисобланади ва иштрокчи давлатлар ушбу йўналишида бир-бирлари билан кенг миқёсда ва яқиндан ҳамкорлик қиладилар ҳамда бир-бирларига ёрдам кўрсатадилар» деб белгиланган.

Ноконунги маблағларни легаллаштириш ва уларни қайтариш соҳасидаги бир қатор ишларга қарамаздан, давлатлар ушбу соҳада кўпроқ натижаларга эришиш, ҳамкорликни янада кучайтириш мақсадида ер юзи бўйлаб ARIN (Asset Recovery Interagency Network) – Активларни қайтариш бўйича идораларо тармоқларни ташкил этиш ташаббусини илгари суришди. Ушбу тармоқлар шахсий алоқаларни ривожлантириш принцигига асосланган ҳолда ташкил топгани, глобал характери ва географияси, самарали фаолият юритиш учун ваколатли давлат органлари ва уларнинг мутахассисларини қамраб олгани ва улар ўртасида норасмий муносабатлар ўрнатилгани билан ажралиб туради.

Меҳрож НАСРУЛЛАЕВ,

МИБ Шайхонтоҳур тумани бўлими бошлиғи



ФАРЗАНДНИНГ СОБИҒИ БЎЛМАЙДИ

Алимент сўзини эшитганимизда, хаёлимизда аросатда қолган болалар гавдаланади. Айрим эркакларнинг ўз пушти камаридан бўлган фарзандини моддий таъминлашдан бўйин товлаши ақлга сифмайди.

МИБ Шайхонтоҳур тумани бўлимида ана шундай қарздор ота – У.Зиё-хўжасдан вояга етмаган уч фарзандининг таъминоти учун алимент ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати мавжуд эди. Ҳужжат 2019 йилнинг 20 декабрь куни келиб тушган, шу куни ижро иши қўзғатилиб, тарафларга юборилган. Давлат ижрочиси томонидан қарздор ҳар ой алиментни ўз вақтида тўлаши ва тўлов паттаси нусхасини давлат ижрочисига тақдим этиб бориши тушунтирилган. Аммо ота фарзандларини таъминотсиз қолдираверди.

Шундан сўнг давлат ижрочиси томонидан қарздорнинг Ўзбекистондан четга чиқиш ҳуқуқи чекланиб, унинг автотранспортга нисбатан банд солиш ҳақида қарор қабул қилиниб, ижросини таъминлаш мақсадида тегишли ташкилотларга юборилади. Қатъий чоралар қўрилгач, алиментчи ота бурчини адо этишга киришди. Тушунтирув ва тарғибот ишлари натижасида қарздор фарзандларининг таъминоти учун улар вояга етганига қадар тўлаши лозим бўлган 245 млн. сўм алимент пулини тўлаб берди.

Бўлим томонидан ижро ҳужжати ижроси таъминланиб, қарздорга нисбатан қўйилган чекловлар бекор қилинди.

Шу ўринда бир мулоҳаза, ўз оиласини сақлаб қоладиган, фарзандларини тақдир ҳукмига ташлаб, ўзи ҳеч нарса кўрмагандай юрадиган, боласининг моддий таъминоти сўралса, тепа сочи тикка бўладиганлар наҳотки эркак деган номга лойиқ бўлса?..

HUQUQ

YURIDIK GAZETA

MUASSIS:

**O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi**

BOSH MUHARRIR:

Jahongir MAKSUMOV

TAHRIIR HAY'ATI:

**Erkin YULDASHEV
Halim BOLTAYEV
Sodijon NAZAROV
Hayot SHAMSUTDINOV
Utkirjon DEXKANOV
Maqsudali QAMBAROV**

TAHRIIRIYAT
MANZILI:

**Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.**

Telefon: 233-98-40,

**Faks: 233-10-53,
233-64-85**



www.huquq.uz



Info@huquq.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir qilinmaydi va egaloriga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. «HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganda manbaa sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. [f] – tijorat materiali.

Buyurtma v.4221.
16 355 nusxada bosildi.
Og'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: **KASPAROV**
Sahifalovchi: **S.BABAJANOV**

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyat matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxonaning manzili: Toshkent shahar,
Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yl 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617



Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Бош прокуратура хузуридаги департаментнинг Фарғона вилояти бошқармаси жамоаси департаментнинг Тошкент тумани бўлими инспектори Лазизжон Пўлатовга падари бузруқворни

Маъруф ПЎЛАТОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратура-раси жамоаси Чирчиқ ҳарбий прокуратураси катта терговчиси Аъзамжон Алмардоновга бувиси

Мейлихон ИСМАИЛОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси шаҳар прокуратураси бўлим АМИБ катта терговчиси Азим-ходжа Саидходжаевга акаси

Ақром САИДХОДЖАЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Япониялик олимлар инсон ҳаётининг кейинги уч йили давомида 20 га яқин касалликларнинг ривожланиш эҳтимолини аниқ айтиб бера оладиган услубни ишлаб чиқдилар.

2-ИЮЛ 2020-Й.

HUQUQ № 26

(1223)

11



БОННИ ва КЛАЙД

ЖИНОЯТ ЙЎЛИДА БИРЛАШГАН ОШИҚЛАР

Жиноят оламида ўз қилмишлари билан донг таратган жуфтликлар ҳақида эшитганмиз, жаҳон кино усталари яратган фильмларни томоша қилганмиз. Албатта, улар кўз ўнгимизда қаҳрамон сифатида эмас, адашган кимсалар сифатида гавдаланади.

Бонни Паркер ва Клайд Берров буюк депрессия даврида икки йиллик жиноятчилик сафарини бошлаган жуфтлик. Бу даврда Америка аҳолиси ҳукуматга душманларча қараётган эди, Бонни ва Клайд эса бундан ўз манфаати йўлида фойдаланган. Робин Гудга тақлид қилган ёшлар халқнинг назарида йўлдаги ёш севишганлар эди.

КАНДАЙ ТАНИШИШГАН?

1930 йилнинг январь ойи. Бонни ва Клайд умумий дўстларининг уйида учрашиб қолишади. У пайтда Бонни 19 яшар бўлиб, турмуш ўртоғи қотиллик жиноятини содир этгани учун панжара ортида эди. Клайд эса 20 ёш бўлиб, хали уйланмаган йигит эди. Улар тезда тил топишади. Лекин муносабатлар энди қуртак ёзаётганида, бир неча ҳафтадан сўнг Клайд аввалги жиноятлари учун хибсга олинади.

Бонни бу холатга жим қараб турмайди. Уни кутқариб олиш режасини туза бошлайди. Ўша йилнинг 11 март куни Клайд кўз ўртоғининг яширинча олиб қирган қирин ёрдамда камокдан қочишга эришади. Аммо озодликда кўп юрмайди. Бир ҳафтадан кейин яна қўлга тушиб, 14 йилга «кесилади». Клайднинг шафқатсизлиги учун машҳур Истхем камокхонасига юборишади. У ерда ҳаёт чидаб бўлмас даражада бўлгани учун Клайд қочиб кетиш ҳаракатида юради. У камерадонидан оёғидаги иккита бармоғини болта билан қочиб ташлашни сўрайди. Аммо барчаси у йўлагандек бўлиб чикмайди. Чунки ўша йилнинг февраль ойида Клайд муддатидан олдин озод қилинади. Бекорга бармоқларидан айрилгани қолади.

У озодликка чиқиб, Бонни билан яна топишади ва жиний ҳаётини давом эттиради.

ПОЛИЦИЯНИНГ «ҚИЗИҚИШИ»

Федерал разведка бюроси (у пайтда тергов бюроси деб номланган) яқка далил туфайли Бонни ва Клайдга қизиқиш билдиради. Бу далил Оклахомадаги ўғирланган «Форд» автомобили бўлиб,

у Мичиган штатида топишган. Тинтув жараёнида машинадан дори шишаси олинган эди. Бу шиша махсус агентларни Техас штати Накодочес шаҳридаги дорихонага олиб боради ва у ерда олинган маълумотларга кўра шиша Клайд Берровнинг ҳоласига тегишлилиги маълум бўлади. Текширув шунинг кўрсатдики, шишанинг эгаси бўлган аёлниқига яқинда Клайд Берров, Бонни Паркер ва Клайднинг акиси Л.Берров келган бўлиб, улар ўғирланган «Форд»га ўхшаш автомобилда юришган. Шу тариқа 1933 йил 20 май куни ФРБ уларнинг изига тушади.

Икки ошиқ Техас, Оклахома, Миссури, Луизиана ва Янги Мексика бўйлаб банк, савдо дўконлари, ёнилги куйиш шохобчаларини тунаб юришарди. Улар штатлар чегарасида талончилик қилишарди. Сабаби оддий, ўғирлик қилиб, кўшни штат ҳудудига ўтиб олинса бўлгани, уларни таъқиб қилаётган полициячиларнинг ваколати бошқа штатга ўтганда тугарди. Клайд автомобиль ва уларнинг рақамларини худди пайпоқ алмаштиргандай тез-тез ўзгартирарди. Бу ҳам кўзга ташланмасликнинг бир усули эди.

Албатта, полиция соядек эргашиб юрадиган кимсалар учун ўз яқинлари билан учрашиш осон эмас. Бонни ва Клайд билан ҳам шундай бўларди. Улар ўз оилаларини кўриш учун Далласга тез-тез келиб туришарди. Бонни онаси билан, Клайд эса онаси ва синглиси билан кўришишга ҳаракат қилар эди. Лекин бу учрашувларда улар бир неча марта пистирмага дуч келиб, аранг қочиб кутулишган.

ЖИНОЙ ТЎДАНИНГ КЕНГАЙИШИ

Улар аста-секин гуруҳга янги аъзоларни қабул қилишади. 1932 йили Бонни ва Клайд ёш қуролчи Раймонд Хамилтон билан сەҳнат қилишни бошлашади. Хамилтон бир неча ойдан кейин қелишмовчилик туфайли гуруҳни тарк этади ва шу йилнинг ноябрь ойида унинг ўрнини Виллиам Дениэл Жонс эгаллайди.

Клайднинг акиси Иван Бак Берров

1933 йил 23 мартда губернатор томонидан авф этилиб, Техас штати камокхонасидан озод қилинади. У тезда Клайднинг гуруҳига қўшилиди ва рафикаси Бланнинг ўзи билан олиб келади, шу тариқа гуруҳда беш одам йиғилади.

Полиция уларни қотиллик, машина ўғирлаш, банкларни, ўнлаб дўкон ва ёнилги куйиш станцияларини талашда айблаб таъқиб этса-да, улар Бак ва унинг рафикаси билан топишганини вишонлаш учун Жуплин шаҳридаги хонадонни ижарага олишади. Икки ҳафталик ўйин-кулгидан сўнг 13 апрель куни Клайд иккита полиция автомобилли улар турган жой яқинида тўхтаганини пайқайди. Отишма бошланади. Натияжада битта полициячи ўлдирилади, биттаси жароҳатланади, Бонни, Клайд, Бак, Жонс ва Бланш эса қочиб кутулади.

Полиция улар турган хонадондан анча нарса тонади, улар орасида Бонни ва Клайднинг қурол ушлаб турган машҳур расмлари ҳам бор эди.

1933 йилнинг июнь ойида Веллингтон яқинида юз берган бахтсиз ҳодиса сабаб Боннинг оёғи аккумулятор кислотаси оқини оқибатида ёмон куйиб, шундан сўнг у ҳеч қачон тўғри қадам ташлай олмай қолади.

МАЙХОНАДАГИ ТЎКНАШУВ

Мазкур воқеадан бир ой ўтгач, Бонни, Клайд, Бак, Бланш ва Жонс Плате шаҳридаги «Ред Кравн» майхонасида иккита хонани ижарага олишади. 1933 йил 19 июль куни полиция бундан хабар топиб, уларни қуршаб олади. Кечаси 23:00 лар атрофида ўртада отишма бошланади. Бу тўқнашувда Бак ва Клайднинг акаси оғир жароҳатланади. Гуруҳнинг қолган аъзолари эса жуфтликни ростлаб қолишади.

КАТТА ЖАНГ

Клайд ўша кечаси ва эртасига кун буйи машинани тўхтамасдан ҳайлаб боради. Фақат шиналарни алмаштириш ва кўпроқ бинг олиш учунгина бир-икки дақиқа автомобилга тин берарди. Охири йўл юриб тинкаси қуриган гуруҳ Декстр шаҳридаги Дефесдил паркида дам олиш учун тўхтади. Бу орада қонли бинтларни топиб олган маҳаллий фермер полицияни огоҳлантиради. Тез орада 100 дан ортиқ хуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходим-

лари ва маҳаллий фермерлар йиғилиб, уларни қуршаб олади. Навбатдаги тўқнашув ҳам талофатсиз бўлмайди. Бак жароҳати туфайли ҳаракатлана олмайди ва отишмада ҳалок бўлади. Бланш эса қўлга олинади. Ўтда ёнмас, сувда чўкмас Клайд ва Бонни ажал олгандан ҳам қочиб кутулишади. Улар билан бирга Жонсга ҳам омад қилиб боқади. Аммо у мазкур ҳодисадан сўнг гуруҳни бутунлай тарк этади.

САРГУЗАШТЛАРНИНГ АЯНЧЛИ ЯКУНИ

Жиний тўдани тарк этган Жонс 1933 йилнинг ноябрь ойида хибсга олинади ҳамда Бонни ва Клайд ҳақида билган ҳамма маълумотларини айтиб беришга мажбур бўлади. Сўроқ давомида Клайд ва унинг оиласи ўртасида яқин алоқа борлиги маълум бўлиб қолади. Бу маълумот асосида полиция уларнинг оилаларини кузатиб бориш, Клайд ва Бонни улар билан боғланишга уринганда уларга истирма қўйиш режасини ишлаб чиқади. Аммо Клайд ва Бонни бундай пистирмалардан бир неча марта омон қолишади.

Ва ниҳоят Бонни ва Клайдни тутиш учун кулай имконият юзага келади. Сабаби гуруҳга янги қўшилган Ҳенри билан унинг отасини кўриш учун йўлга чиққан учовлоннинг йўналишини ҳисобга олган ҳолда полиция йўлга пистирма қўяди. Бу орада Ҳенри гуруҳдан ажралиб, аввалроқ пистирма ҳудудидан ўтиб кетган эди.

1934 йилнинг 23 май куни эрталаб соат 9:15 ларда Клайд йўлда Ҳенрининг отасига тегишли юк машинасини пайқати билан секинлаша бошлайди. Лекин шу заҳоти полиция ходимлари яширинган жойларидан чиқиб, уларни ўққа тутишга тушади. Полиция уларнинг автомобилга 130 мартадан кўпроқ ўқ узади. Натияжада Бонни ва Клайд ҳалок бўлади. Уларнинг жасади Далласга олиб келинади ва оммага намойиш этилади. Машҳур жуфтликни кўриш учун оломон тўпланади. Бонни Клайд билан бирга дафн этилишини илтимос қилган бўлса ҳам, улар оилаларининг хоҳишлари кўра алоҳида қабристонларга қўмилган.

Бу икки жуфтлик автомобилга ўғирлаш билан бирга бошқа жиноятларини ҳам содир этганликда гумон қилинган. Улар 13 та қотиллик ва жуда кўп талончилик ва ўғирликларни содир эттишган.

Жавоҳир ҲАЙИТБОВ таржимаси